

ЎЗБЕКИСТОН – ИОРДАНИЯ МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн 25 август куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.



Ўзбекистон Республикаси билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йилнинг февраль ойида ўрнатилган. 1994 йилнинг июнь ойида Тошкентда Иордания элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган. Ҳозирда қароргоҳи Ар-Риёзда бўлган Ўзбекистон элчиси бир вақтнинг ўзида Амманда аккредитациядан ўтган.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар янги суръатга эга бўлди. Томонлар ўзаро манфаатли муҳим салоҳиятга таянган ҳолда ҳамкорлиқни кенгайтириш ва чуқурлаштириш истагини намоён этмоқда. Жорий йилда

Ўзбекистоннинг Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар каби кўп томонлама форматлардаги иштироки Ўзбекистон — Иордания муносабатларини чуқурлаштириш учун қўшимча платформа яратмоқда.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2024 йилда қарийб 4,6 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 4,3 миллион доллар бўлгани савдо-иқтисодий алоқалар кенгайиб бораётганини кўрсатади. Мамлакатимиз Иорданияга мис, куритилган мева, ёнғоқ ва тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Иорданиядан амалга оширилаётган импорт таркибида эса фармацевтика, кимё маҳсулотлари, асбоб-ускуна ва машиналар салмоқли бўлмоқда.

Икки мамлакат инвестиция, саноат ва савдо вазирлари ўртасидаги 2025 йилдаги музокаралар ҳамкорлиқни кенгайтиришга тайёр эканликларини тасдиқлади. Товарларнинг мамлакатларимиз бозорларига чиқишини соддалаштирадиган имтиёзли савдо битимини имзолаш, тоғ-кон саноати, жумладан, фосфатлар, мис ва бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳасида ҳамкорлиқни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноатидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, фармацевтика, тўқимачилик, енгил саноат ва рақамли иқтисодиёт жабҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш муҳим йўналишлар қаторига киради.

Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга олий даражадаги ташрифи давлатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янги босқичда давом эттириш учун имконият яратиши кутилмоқда. Бу ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

Иордания Подшоҳининг Ўзбекистонга олий даражадаги ташрифи давлатларимиз ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янги босқичда давом эттириш учун имконият яратиши кутилмоқда. Бу ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини ошириш, сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.

Самарқанд шаҳри аэропортида Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди, фахрий қоровул саф торти.

Миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали маросим бўлиб ўтди.

Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида қадимий Самарқанд шаҳрининг улугвор тарихий обидалари билан танишди.

Давлат раҳбарлари аввал Шоҳи Зинда мажмуасига ташриф буюрдилар.

Мазкур зиёратгоҳ Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг саҳобаларидан бири Кусам ибн Аббос ва бошқа арбобларнинг мақбараларидан ташкил топган. Мажмуанинг тарихий, маданий ва бадий аҳамияти шундаки, у меъморийлик ва безак санъатининг бир неча аср давомидаги тараққиётини акс эттиради. Шоҳи Зинда 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Расман Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қизи Фотима ва куёви Али ибн Абу Толибнинг авлодлари ҳисобланган Ҳошимийлар сулоласи вакили бўлган Иордания Подшоҳи Кусам ибн Аббос хотирасига хурмат бажо келтирди. Қуръон тиловат қилинди.

Амир Темур мақбараси зиёрати чоғида Иордания делегациясига буюк бобомизнинг давлатчилик сиёсати, ҳарбий маҳорати, турли мамлакатлар билан дипломатик алоқалари ҳақида сўзлаб берилди. Соҳибқироннинг ҳаёти ва фаолияти, у тузган давлат ўз даврининг энг улкан мамлакатаи бўлгани меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Давлат раҳбарлари Мирзо Улугбек, Шердор ва Тиллақори мадрасаларидан

иборат Регистон мажмуасида ҳам бўлдилар. Бу обидалар асрлар давомида илм-фан маркази бўлган, юзлаб олим ва тадқиқотчиларни камолга етказган. Ўзининг мукаммал жойлашуви ва уйғунлиги туфайли Регистон ҳақли равишда Самарқанднинг “ташриф қоғози” ҳисобланади.

Танишув чоғида олий мартабали меҳмонга ушбу иншоотларнинг бунёд этилиш тарихи ва нақшларининг ўзига хос жиҳатлари, майдонда олиб борилган реставрация ишлари ҳақида маълумот берилди.

Шундан сўнг Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайн Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Самарқанд халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасини бориб кўрди.

Олий мартабали меҳмон халқимизнинг бой маданий мероси, ҳунармандчилик ва амалий санъатини акс эттирувчи кўргазмаларни томоша қилди. Рақс жамоаларининг чиқишлари намоиш этилди.

Бу ерда халқимизнинг буюк ўтмиши рамзлари тўпланган, тарихий шаҳарларимиздаги диққатга сазовор жойларнинг нусхалари барпо этилган. Миллий анъаналаримиз билан бирга дўст халқлар билан алоқалар тарихи ҳам акс эттирилган.

Бундай маъно-мазмун, тарих ва бугунги кун уйғунлиги меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон — Иордания саммитининг асосий тадбирлари, шу жумладан, олий даражадаги музокаралар 26 август куни бўлиб ўтди.

Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,
Ғолиб ҲАСАНОВ,
Икром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА махсус мухбирлари

ИЛМ-МАЪРИФАТ, ТАРБИЯ ВА ИБРАТ МАСКАНИ

Президент Шавкат Мирзиёев 25 август куни Самарқандга ташриф буюрди. Эзгу анъанага мувофиқ, аввало, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Буюк муҳаддис бобомизга бутун ислом оламида эҳтиром баланд, унинг мақбарасини кўриш истагидаги инсонлар кўп. Шу боис, зиёратчиларга шароитларни янада кенгайтириш мақсадида бу ерда улкан мажмуа барпо этилмоқда.

Зиёратгоҳнинг умумий майдони 44 гектар этиб кенгайтирилган. Мўътабар мақбара, 10 минг кишилик масжид ва маъмурият биноси қуриб битказилган. Мажмуанинг тўрт бурчагидаги 75 метрлик миноралар унга маҳобат бағишлаган.

Айни пайтда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Пештоқлар ва айвон деворларига “Саҳиҳи Бухорий”дан ҳадислар битилмоқда.

Президентимиз бу мажмуа фақат зиёрат эмас, илм-маърифат, тарбия ва ибрат маскани бўлиши кераклигини таъкидлади. Имом Бухорийнинг буюк изланишлари, билими ва камолоти бу ерга келувчилар,

айниқса, ёшлар учун эзгу намуна бўлиши қайд этилди.

Шу мақсадда янги мажмуада инновацион музей ҳам ташкил этилмоқда. У ислом оламида муҳаддислар султони дея эътироф этилган Имом Бухорийнинг ҳаёти ва илмий мероси, ислом маърифати ривожига қўшган ҳиссасини намоён этади. Шунингдек, музейда Қуръони Каримда исмлари зикр қилинган 25 та пайғамбар тарихи, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шажараси, у зотнинг Макка ва Мадинадаги ҳаёти, ҳадисларнинг жамланishi ва ёзилиши ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди.

Зиёратгоҳ атрофида меҳмонхона ва бошқа хизмат кўрсатиш биноларининг ҳам қурилиш ишлари якуний босқичга кирган.

Давлатимиз раҳбари қурилишни сифатли бажариш, зиёратчиларга қўлайликларни кенгайтириш, мажмуа атрофида яшил майдонларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

ЎЗА

Мамлакатимизда кенг қўлмалли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, юртимизнинг иқтисодий тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, Янги Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илгор инновацион технологияларни амалиётга жорий этиш, замонавий ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, ҳудудлар инфратузилмасини жадал ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари, жамиятимизда ижтимоий-маънавий барқарорликни сақлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга хурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли фаолияти ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қўйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими”
фахрий унвони билан

Халилов Насриддин — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг ўсмиликшунослик ва ем-хашак етиштириш кафедраси мудири, Самарқанд вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими”
фахрий унвони билан

Қудратов Уктам Аралович — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Қизилқум кон бошқармаси “Пистали” кони бош муҳандисининг ўринбосари

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган геолог”
фахрий унвони билан

Уразметов Шермуҳаммад Джумабекович — “Ўзбекгеофизика” акциядорлик жамиятининг “Устюрт геофизика экспедицияси” филиали геология-геофизика ишларини истиқболли прогнозлаш бўлими бошлиғи

Ҳамроев Умаржон Артиқович — “Навоийурган” давлат корхонасининг “Уран ва ноб металллар геологияси” илмий-ишлаб чиқариш маркази геология-қидирув экспедицияси бош геологи

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи”
фахрий унвони билан

Турсунов Жамшид Юнусович — Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси раиси
Хидоятов Шерзод Саиджонович — Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган тадбиркор”
фахрий унвони билан

Вахабов Даврон Абдужалалович — Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси
Саидмуродов Уктам — Самарқанд туманидаги “Стеклопластик” масъулияти чекланган жамияти раиси, Самарқанд вилояти

➤ Давоми 2-бетда

Ватан учун, миллат учун, халқ учун!

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК
БУЮК ЭЪТИБОР
БЕКОБОД ТУМАНИДА
ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТНИ БОШЛАБ БЕРДИ

Ҳар куни тонг салкинида уч-тўрт нуроний қизил-сарик рангли, пишик-пухта қурилган пиёдалар йўлакчасига тушиб олиб, “Далварзин” даҳасидан то туман марказигача бориб-қайтгунча дилдан суҳбатлашишни одат қилдик. Илгари машиналарнинг тигиз ҳаракатидан чўчиб чанг босган тутқатор таги бўйлаб — тупроқ кечиб юришга мажбур эдик. Бундай йўлда сайр қилиш кимга ҳам ёқарди... Шунгами, наҳорги ошданми, бирон юмушданми қайтардигу, тезгина хайрлашиб уй-уйимизга кириб кетардик. Ҳозир эса тонг шабадасида, хавфсиз ва кенг йўлакчадан юриб, гурунгимиз кизигандан-кизиб, беш-олти километр масофани қандай босиб ўтганимизни билмай қоламиз.

Инсон боласи яхши шароитга тез кўникади, худди аввалдан ҳаммаси шундай тургандек, санаб саноғига етиб бўлмас янгиланишлар олдиндан ҳаётимизда бўлгандек ортдаги воқеаларни осон унутади. Аммо инсоф билан айтганда, бу қўлайликлар яратилгунча, халқнинг бугуни кечаги кунидан яхши бўлгунча қанча одамнинг сочи оқарганини, куну тун ором билмай заҳмат чекканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик керак.

➤ Давоми 3-бетда

БИР-БИРИДАН УЗОҚДА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ УЗИЛМАС РИШТАЛАР ЯРАТИЛИШИ МУМКИН

Ўзбекистоннинг Иорданиядаги фахрий консули Луай Абу-Ғаззолий “Дунё” АА учун интервьюсида Иордания Подшоҳи Абдулла II ибн ал-Хусайннинг Ўзбекистонга бошланган давлат ташрифи ҳақидаги фикрларини билдирди:

— Осиёнинг турли бурчакларида жойлашган Ўзбекистон ва Иордания бир қарашда бир-биридан тубдан фарқ қиладиган мамлакатлардек туюлиши мумкин. Ўзбекистон ўзининг бой Ипак йўли мероси ва кенг даштлари билан Иорданиянинг қадимий Инжил ландшафтлари ва чўллари билан фарқ қилади. Бироқ чуқурроқ ўрганиб чиқсак, икки давлат ўртасида ислом анъаналарига асосланган маданий алоқалардан тортиб, барқарорлик ва тараққиётга умумий урғу беришгача чуқур ўхшашлиқ борлиги аён бўлди.

Сўнгги йилларда, айниқса, 2025 йилда икки томонлама муносабатлар мисли кўрилмаган даражага етди, бунга юқори даражадаги ташрифлар, иқтисодий келишувлар ва маданий алмашинувлар таъсир кўрсатди. Ўзбекистоннинг Иорданиядаги Фахрий консули сифатида мен шахсан ўзим ҳеч қачон кузатилмаган динамика мулоқотининг гувоҳи бўлдим ва ишончим комилки, келгусида ҳамкорлик қилиш имкониятлари жуда катта.

Иордания Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва муҳожирилар вазири Айман Сафдий билан бўлиб ўтган музокара-ларда сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди. Ташриф якунида асосий келишувлар, жумладан, дипломатик паспорт эгалари учун визадан озод этиш ва икки томонлама ҳамкорлик дастури имзоланди. Мазкур келишувлар алмашинувларни осонлаштириб, халқлар ва расмий алоқаларни мустаҳкамлашга содиқликнинг рамзи бўлди.

➤ Давоми 4-бетда



2025 йил 26 август, 175-сон



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ҲАМДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фуқаро авиацияси ходими” фахрий унвони билан

Цой Николай Валерьевич — “Uzbekistan airways” акциядорлик жамиятининг Парвозлар хавфсизлиги ва сифат таъминоти бошқармаси учувчи-инспектори

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

Қудратхўжа Шерзодхон Тождиддинхон ўғли — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори

“Эл-юрт ҳурмати” ордени билан

Айимбетова Гулшатша Аймановна — “Айқулаш” қорақалпоқ давлат миллий фольклор ансамбли вокал артисти, Қорақалпоғистон Республикаси

Ганиева Матлуба Махамажановна — Андижон туманидаги “Орол” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

Нематова Наргиза Исамиддиновна — Олот тумани ҳокими, Бухоро вилояти
Сайдов Сирожиқдин Салохович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Ўзбекистон Ўзувчилар уюшмаси раиси

Тумишова Аксавли Молдағалиевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Зарафшон шаҳридаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори, Навоий вилояти

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Бердикулов Асатулла Ҳасанович — Сардоба туманидаги “А.Қодирий” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Ишметов Тимур Аминджанович — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси

Мурадов Мансурджан Насирович — Республика “Усто” уюшмаси раиси

Хидиров Лочин Шопуловотвич — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси цех участка устаси

“Дўстлик” ордени билан

Ақбаржонов Азиз Ақбаржон ўғли — “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Акрамова Хушвахт Норкуловна — Бухоро шаҳридаги “Биродар шаҳарлар” жамияти раиси, Бухоро вилояти

Арзиев Фарҳод Нуритдинович — Ўзбекистон Республикасининг Хитой Халқ Республикасидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси

Атабаев Шухрат Халдарович — Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки бошқаруви раиси

Бахрамов Шамирза Пашаевич — Сирдарё тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси техник-гидрометри, Сирдарё вилояти

Иргашева Марҳамат — Мирзо Улугбек туманидаги “Асака” маҳалла фуқаролар йиғини нуронийлар жамоатчилиги кенгаши раиси, Тошкент шаҳри

Исмоилов Хабибидин — Фарғона туманидаги деҳқон хўжалиги боғбони, Фарғона вилояти

Исраилов Исмаил Иркинович — Тошкент шаҳридаги “Development and Marketing Group” масъулияти чекланган жамияти директорининг ўринбосари

Кучкаров Баҳром Тулкинович — Ўзбекистон Республикаси Марказий сэйлов комиссияси раисининг ўринбосари

Қодиров Акмал Сайфуллоевич — “Enter Engineering Pte. Ltd” компаниясининг Имом Бухорий жамуаси қурилиш лойиҳаси раҳбари

Муҳаммадова Дилбар Даврановна — Термиз туманидаги “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

Набиева Парахат Раҳматуллаевна — Шароф Рашидов туманидаги “Ҳукуматой Мирзаалиева” биологаторияси раҳбари, Жиззах вилояти

Наримбетов Юлдаш Ибрагимович — Беруний туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Насиров Кузйбой — Қизилтепа туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Примов Орифжон Хасанович — Паркент тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Тошкент вилояти

Рахимова Нигина Хайруллаевна — “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази директори

Садовников Владимир Владимирович — Наманган шаҳридаги “Проект-сервис” масъулияти чекланган жамияти директори, Наманган вилояти

Санаев Исмат Санаевич — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Пахтачи тумани Кенгаши раиси, Самарқанд вилояти

Сейтеков Турганбай Берданович — Нукус тумани йўллардан фойдаланиш давлат муассасаси асфальт ётқишш машинаси ҳайдовчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Сиротин Игорь Васильевич — “Uzbekistan airways technics” масъулияти чекланган жамиятининг Фарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази муҳандиси

Соатов Мумин — Қўқдала тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Қашқадарё вилояти

Ташматов Тажидин Сатволдиевич — Андижон вилояти йўллардан мунтазам фойдаланиш давлат муассасаси автогрейдер ҳайдовчиси

Туляганов Қудратилла Асатуллаевич — “Асака” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Турсунов Рашид Раҳмонович — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 3-автобаза бошлиғи

Умерова Гаянэ Олеговна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи

Усанов Равшан Аброворич — Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқуллодда ва Мухтор Элчиси

Файzieва Васила Солиховна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият, спорт ва ёшлар масалалари қўмитаси аъзоси

Файzieва Дилором Хуснитдиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

Федин Александр Григорьевич — Жарқўргон туманидаги “Оқтепа” ов хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Хасанов Назиржон Набижанович — “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси бошқаруви раиси

Хожибоев Эркинжон Валижонович — Хонобод шаҳри ободонлаштириш бошқармаси кўкаламзорлаштирувчиси, Андижон вилояти

Шералиев Курбонали — Ховос тумани нуронийлар жамоатчилиги кенгаши фаоли, Сирдарё вилояти

Шерматов Зикрилла Шуккурович — “Нуроний” жамгармасининг Косон тумани бўлими раиси, Қашқадарё вилояти

Шонагметова Нина Ефимовна — “Ўрта Чирчиқ гидроэлектрстанциялари каскади” филиалининг ишлаб чиқариш-техник бўлими етакчи муҳандиси, Тошкент вилояти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Абдиев Жаҳонгир Ибрагимович — Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

Абдуллаев Тулқин Мансурович — Ўзбекистон Республикаси Кадастр агентлиги директорининг ўринбосари

Абдусаттаров Тулқин Сайфуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Абидов Акмал Джурабаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Авезов Жасурбек Шавкатович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Бекмирзаев Диёрбек Абдуғаппорович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Бутаев Ориф Алибоевич — “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки бошқаруви раиси

Галтемиров Шароф Қурбанбаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Джахангирова Элла Анатольевна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг департамент бошлиғи

Жуманизов Ноҳир Кадамович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Жураев Баҳодир Ибрагимович — “Иссиқлик электр станциялари” акциядорлик жамияти раиси

Исмаилов Мурад Валижонович — Ўзбекистон Республикаси спорт вазирининг ўринбосари

Исхакова Гузал Гайратовна — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Кадиоров Шухрат Мунавварович — Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори

Киличов Тимур Машарипович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Қаршиев Рустам Жўраевич — Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг ўринбосари

Лапасов Улугбек Хидирович — Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили

Миракулов Миравзал Миродилович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Мирахмедов Зийёд Махамаджонович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Муталов Зоҳириддин Абдуғаппорович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Рахимова Гулнора Хашимовна — Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазирининг ўринбосари

Раҳматов Феруз Касимович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Саидолимов Саидхон Талъат ўғли — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Тангриев Иzzат Раҳматуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Умаров Олимжон Муҳаммаджанович — Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари

Хайдаров Жаҳонгир Бахтиярович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Ходжаев Фуркат Салимович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг масъул ходими

Холмуродов Нозимжон Қосимович — Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари

Холхўжаев Саидқаҳҳор Муҳаммадкарим ўғли — Чилонзор тумани ҳокими, Тошкент шаҳри

Хошимов Нодирбек Анваржонович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

Юлдашев Кахрамон Анварджанович — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари

Юсупбаев Шухрат Машхурович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими

“Соғлом турмуш” медали билан

Тулабаев Мирзаали Эрқабаевич — Қўқон шахри нуронийлар жамоатчилиги кенгаши спорт тарғиботчиси, Фарғона вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Бозоров Миршодбек Шуккур ўғли — Ромитан туманидаги “Тарнаут” маҳалла фуқаролар йиғини ёшлар етакчиси, Бухоро вилояти

Мажидов Бобомурод Бахронович — Тошкент шаҳридаги “Akfa Dream World” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

“Жасорат” медали билан

Аблаева Фароғат Муртазаевна — Учтепа туманидаги заргарлик буюмлари ясовчи хунарманд, Тошкент шаҳри

Жумаева Шоҳида Қулматовна — Шеробод туманидаги касб-хунарға ўқитиш марказининг “Қорабоғ” ўқув маскани тикувчиси, Сурхондарё вилояти

Имомаддинов Халилла Камолович — Шовот туманидаги “Хўжаобод-2018” фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Мансуров Замир Бақоевич — Вобкент туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Бухоро вилояти

Орипова Зухраҳон Аъзамовна — Олтиариқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Рўзиева Шаҳло Мансуровна — Томди тумани спорт мактабининг шахмат бўйича мураббийси, Навоий вилояти

Сафаров Музаффар Шавкатович — Нарпай туманидаги маиший техникаларни таъмирлаш устаси, Самарқанд вилояти

Солиев Лутфулложон Собитович — Чуст туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, тикувчи, Наманган вилояти

Сунонов Мансур Халилович — Форш туманидаги видео монтаж устаси, Жиззах вилояти

Турдиқулова Саёра Шарофовна — “Хунарманд” уюшмасининг Китоб тумани бўлими аъзоси, каштадўз, Қашқадарё вилояти

Худойбердиева Нодира Хомиджановна — Шахрихон туманидаги хунарманд-тикувчи, Андижон вилояти

Шакиров Илхам Гавазович — Оқолтин туманидаги якка тартибдаги тадбиркор, фотосуратчи, Сирдарё вилояти

Шарипов Максуд Кенжаевич — Эллиққалъа туманидаги автомобилларни таъмирлаш устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Эргашев Донйёр Азизович — “Хунарманд” уюшмасининг Бўжа тумани бўлими аъзоси, ёғоч ўймакорлиги устаси, Тошкент вилояти

“Шухрат” медали билан (100 ёшдан ошганлар)

Гаданова Хатича — Нарпай тумани, Самарқанд вилояти

Ғалимова Назиба — Боғот тумани, Хоразм вилояти

Зарипова Наржан — Беруний тумани, Қорақалпоғистон Республикаси

Имомқулова Сухурбў — Поп тумани, Наманган вилояти

Кенжаева Анор — Янгиобод тумани, Жиззах вилояти

Матисақова Мелибу — Бувайда тумани, Фарғона вилояти

Нарматов Уразали — Сардоба тумани, Сирдарё вилояти

Розиева Назмира Мирсултановна — Мирзо Улугбек тумани, Тошкент шаҳри

Табаров Икрам — Шўрчи тумани, Сурхондарё вилояти

Тағоев Журақул — Хатирчи тумани, Навоий вилояти

Тешаев Ачил — Жондор тумани, Бухоро вилояти

Усмонова Меҳри — Чиноз тумани, Тошкент вилояти

Ширназаров Махмадали — Шахрисабз тумани, Қашқадарё вилояти

Юлдошева Чинихон — Пахтаобод тумани, Андижон вилояти

“Шухрат” медали билан

Абдурахмонов Ифтихор Исмоилович — “Темир-йўлдинфратузилма” акциядорлик жамиятининг Қўқон локомотив депоси Андижон филиали тепловоз машинисти, Андижон вилояти

Абдуҳакимова Гулфуза Абдурахмановна — Пастдарғом туманидаги “Буюк Турон” маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар фаоли, Самарқанд вилояти

Авазов Элмурод Рўзимуродович — Жарқўргон тумани ҳокими, Сурхондарё вилояти

Адилов Юлдош Хасанович — Мирзачўл туманидаги “Мирзачўл сервис авто” масъулияти чекланган жамияти автобус ҳайдовчиси, Жиззах вилояти

Алиева Нодирахон Иброҳимовна — Риштон туманидаги “Агроном Алиев” фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Алимджанов Камилжан Валиджанович — Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси чилангар-сантехнители

Аллабергенов Муродбек Анварбекович — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази директори

Аманов Ойбек Анварович — Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти директори, Қашқадарё вилояти

Амонов Наим Насимович — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Шимолий кон бошқармаси директори

Арашов Жалол Самандарович — Бухоро вилояти ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

Арипов Бахтиёр Мухамедович — Андижон туманидаги “Valley Fish” масъулияти чекланган жамияти таъсисчиси, Андижон вилояти

Артиқов Мелиқузи Маматқулович — “Сирдарё-Зарафшон” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Жиззах вилояти

Аскаррова Гулжамоил Шодманович — Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси

Балтабаев Хабибулла Мўминович — “UzAuto Motors” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш дирекцияси пайвандлаш цехи бригада бошлиғи, Андижон вилояти

Бегматов Абдулла Тўрақулович — Боёвут туманидаги “Боёвутлик Ҳумоюн” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Ғозиев Нурматжон Нуъмонжонович — Бағдод тумани “Чекхитой” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси, Фарғона вилояти

Давлатов Ибадулла Урақович — Термиз туманидаги “Қорахон-Янгиариқ” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Дадаходжаев Носир Ибрагимович — “Тошкент шаҳар электр тармоқлари” масъулияти чекланган жамиятининг изоляция ва ўта кучланишдан ҳимояланиш ишлаб чиқариш хизмати бошлиғи ўринбосари

Деҳканов Азиз Равшанович — Давлат резиденцияларига хизмат кўрсатиш ва тадбирларни ташкил этиш бошқармаси мутахассиси

Джораяв Джасур Саттибаевич — Тошкент шаҳридаги “12-трест” акциядорлик жамиятининг 2-механизациялашган кўчма конлонниси электр-газ пайвандчиси

Джамабекова Гулзайнат Хусановна — “Чирчиқ трансформатор заводи” акциядорлик жамиятининг цех фалтак ўровчиси, Тошкент вилояти

Ёдгоров Шухрат Ўразбаевич — “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг Марказий кон бошқармаси “Мурунтон” кони участка портлатувчиси

Имамбердиев Наҳир Аскарвотич — “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг 3-Мис бойитиш фабрикаси янчиш ва флотациялаш цехи тегирмон машинисти

Имминов Абдулўзат Турдиевич — Тошкент шаҳридаги “Green TV” масъулияти чекланган жамияти мутахассиси

Иргашев Элёр Агламович — “Гидропроект” акциядорлик жамияти бош муҳандиси

Кутлимуратова Нигора Машариповна — Хоразм вилояти ҳокимининг ўринбосари — оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

Қодиров Алишер Абдулахотвич — Қашқадарё вилояти ҳоким

“Туман марказида барчамиз учун азиз Президентимизнинг самимий кулиб турган сиймоларига боқиб, ўзимизча шундай ваъда берамиз: “Сиз бизларга ишонинг, мухтарам Президент, туманимизни гуллаб-яшнатиш учун ҳамиша сиздан куч ва қудрат оламиз. Бундан бугёнга Бекобод туманидан кўнглингиз тўқ бўлсин! Сиз бизларга эътибор қаратдингиз, биз бутун туман жамоатчилиги ва халқи сизга фидокорона меҳнатимиз ва чинакам садоқатимиз билан жавоб берамиз!”.

Бошланиши 1-бетда

Ҳали айтганимиздек, “Далварзин”дан туман маркази ҳисобланган Зафар шаҳарчасига етиб борарканмиз, катта чорраҳада бизларни самимий табассум билан давлатимиз раҳбари кутиб олади. Бу муболага эмас! Чунки шу чорраҳага ўрнатилган улкан суратда Президентимиз Шавкат Мирзиёев бутун Бекобод тумани аҳлига қараб, “**Мен сизлар билан доим биргаман, барча амалга ошираётган эзгу ишларингизни ҳамиша кузатиб турибман!**” дегандек ўткир нигоҳ ва самимий табассум билан боқиб туради.

Тўғриси, бу ҳолат нафақат бизларга, балки бутун туманимиз аҳлига куч ва ишонч, ҳам мадор, ҳам ифтихор бағишлайди.

Ёши улгайлар яхши эсламайди, Президентимиз Бош вазир бўлиб ишлаб юрган кезларида Бекобод туманига жуда кўп келган. Бу ернинг ҳар бир қарчинини, ҳар бир контуруни, одамларнинг феъл-атвори, худуднинг ўзига хос табиатини биздан ҳам яхшироқ билади. Ачамайли ёки Хос маҳалласи бўладими, Далварзин ё Қолгонсир маҳалласими, хуллас, 51 та маҳалланинг ҳаммасини қадам-бақадам бориб кўрган, одамларни эски қадрдондек ёнларига олиб суҳбатлашган, худуднинг энг оғир нуқталарини шахсан ўзи ўрганиб, муаммоларга доим ечим топган.

Тожикистон билан ёндош 86 километр чегарани пийда юриб, сарҳадларни мустаҳкамлаш, чегарадаги хонадонларни кўчириш ва уларни уй-жой билан таъминлаш ишларига бош-қош бўлган. Буларни унутиб бўладими ахир?

У пайтларда қўшнилардан сув олишинг нақадар оғирлигини ҳозир эсласак, бунинг учун қанчалар машаққат чекилганини чуқур ҳис қиламиз. Биз кексалар у кишининг чўли худудларимизга, айниқса, бекободликларга меҳри ўзгача эканлигини ҳамиша сезиб турардик.

Шу кунларда давлатимиз раҳбарининг бизларга ғамхўрлик ва эътиборининг олий намунаси сифатида **Бекобод туманини комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш бўйича тарихий қарорларидан туманда яшаётган ёшу қари бирдек руҳланиб юрибмиз.** Эски замонлар қў майли, аммо яқин-яқингача ҳам тузукроқ эътибор кўрмаган, қолюқ туман деб қараб келинган, пойтахтдан юз чақиримгина берида бўлса ҳам, ривожланишдан анча ортда қолиб кетган бир худудга шунча меҳр, шунча эътибор, бугёнини ҳам дангал айтганда, шунча маблагни ким берибди, дейсиз?

Президентимизнинг ушбу қарори сабаб бутун Бекобод тумани улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланиб, ҳали са-йилгоҳлар, ҳали спорт мажмуалари, боғчаю мактаблар қурила бошланса, бир томонда етти аждодимиз ҳам кўрмаган, уларга фақат орзу бўлиб қолган оқова сув тармоқлари тортилса, асфальт бўлмаган кўчаю йўллар қолмаса, мингглаб эскирган симёгочлар тўлки янги бетон устунларга алмаштириляётган бўлса, очинги, ақлинг шошиб қолар экан.

Илгари денг, телевизордан қайсидир жойда баланд бино-иморатлар кўтарилганини кўрсатса, юрагимиз бир оризқиб кўярди. “Ҳа, энди кўркам ва баланд иншоотлар марказлар учун-да, бизнинг чекка туманга ким қўйибди...”, деб ўзимизни ҳам оувтардик, ҳам совитардик.

Энди нақ туман марказига “Янги Бекобод сити” массиви тушармиш, шу ерда йигирма минг аҳоли учун уй-жойдан тортиб, гузару спорт комплекслари, сайилгоҳлари сув ҳавзалари, ёшлар марказию мактаб ва боғчалар қурилармиш деган овозани эшитиб лол қолдик. Аллақачон мутахассислар ва архитекторлар лойиҳалаш ишларини қизган бошлаб юборишди ҳам.

Тўғри, Сирдарёимиз бор эди, туманимизнинг қў ўртасидан оқиб ўтарди. Аммо гапнинг индаллосини айтганда, олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ экан-да. Биз учун ҳозиргача овлоқ ва қамиш босиб ётган дарё соҳиллари оддий ҳол эди, нари борса,

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК БУЮК ЭЪТИБОР

БЕКОБОД ТУМАНИДА ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТНИ БОШЛАБ БЕРДИ

набираларимиз мол-қўй боқарди. Энди эса шу соҳилларга катта куч ва молиявий манбалар йўналтирилиб, 300 ўринли болалар оромгоҳи, дам олиш масканлари, дарёбўйи сайилгоҳлари каби ўнлаб янги иншоотлар барпо этилиши бутун халқимизнинг руҳиятига малҳам бўлмоқда.

Минг афсуски, у чеккасидан бу чеккасигача 100 километрдан зиёд, аҳолиси 170 мингдан ортқ худудда ҳозиргача бирон-та бозор йўқ эди. Одамларнинг хоҳиш-истакларини инобатга олиб, ушбу қарор билан бира тўла иккига замонавий типдаги бозор барпо этилиши халқимиз учун чинакам хурсандчилик бўлди.

Босқичма-босқич бунёд этиляётган, барча шароитларга эга маҳалла гузарлари, олис ва чекка маҳаллаларгача автобус қатновларининг мунтазам йўлга қўйиллягани туманимизда ҳақиқатда халқни рози қилиш ва инсон қадрини улуглаш бўйича тизимли ва амалий ишлар бошланганини кўрсатади.

Шу ўринда яна бир армонимиз орзуга айланиб, орзумиз реалликка қўчиб, бундан 40 йил аввал лойиҳаси чизилиб, иш бошлаб кейин ташлаб қўйилган Сирдарё устидаги кўприкни айтмасак бўлмайди. Давлатимиз раҳбарининг олис ва чекка худудлардаги халқни қийнайдиган энг нозик муаммоларни ҳам билишларига қойил қолмай илож йўқ. Улар имзолаган қарорда бу масала акс этиши билан, аҳолиимизнинг эсидан ҳам чиқиб кетган, орзу ҳам қилмай қўйган ўша кўприк ва унга туташ 6 километр йўл жадал сурьатларда қурила бошланди.

Кўприк бўлса кўприк-да, дейишингиз мумкин, аммо бу халқимиз учун гоёт қадри иншоот. Нега дейсизми? Тумандаги 170 мингдан зиёд аҳолининг 7 та маҳаллада яшовчи қарийб қирқ минг нафари Сирдарёнинг нариги томонида яшайди.



мачит” каби муқаддас қадамжоларимиз, қадимий “Далварзин” мавзеси гувоҳлик беради. Бобур Мирзо ҳам бу гўшани “Бобурнома”да икки бор қайд этиб, таърифини келтирган. Бекободликлар ҳам худди шу азиз ва мўътабар масканлар сингари йиллар шамолида тобланиб, феълу атвори сайқалланиб келмоқда.

Бутун ҳаёт шиддат билан кечмоқда. Замонавий касб ва илмларни эгаллашни даврининг ўзи тақозо қилмоқда. Биз кетмон чоған бўлсак, янги авлод илгор технологиялар билан ишламоқда. Тушимизга ҳам кирмаган тезкорлик билан дунёга боғланмоқда. Невараларга “АТ” нима деб сўрасак, “Эҳ, бобожон, соддасиз-да, бу илгор ахборот технологияси”, дейди. Биз нурунийлар “ҳа” деб қўямиз уларнинг қўлидаги шапалоқдай телефонларига қараб.

Қарорга кўра, туман марказида “АТ” маркази барпо этилиб, у ерда юзлаб ёшлар ўзи яратган замонавий технология маҳсулотлари, дастурули ва хизматларини дунёга сотиши мумкин экан.

Аммо бизнинг қувонганимиз ундан ҳам яхшироқ сабаб учун, яъни мана шу янгиланишлар туфайли кўчада бекор санғиб юрган ёшлар деярли қолмади. Ҳамаиси ё касб-хунар эгаллаш ёки тил ўрганиш билан

ишончи бўлган ёшлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди, дастурхони тўкин, рўзғори бутун бўлади. Кут-барака аримайди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, одамларнинг ерга муносабати ҳам ўзгарди. Ҳозирга қадар унумдорлиги паст ерларга пахта ва ғалла қиқлаверарди. Табиийки, ҳосил қутилгандек бўлмасди. Энди қарорда кўзда тутилганидек, 6,8 минг гектар майдонда пахта ва ғалла қиқсқартирилиб, боғ яратилиши, картошкачилик ва сабзавотчиликка ихтисослаштирилиши айни мўддао бўлди.

Аҳолига ўз томорқаларидан унумли фойдаланиш учун керакли шароит яратиб берилмоқда. Шу кунларда туманимизга келган киши одамлар меҳнатидан яшнаб турган далаларни ва томорқаларни кўриб, баҳри дили очилади.

Шунча ер майдони ва имкониятлар бўла туриб, ҳозиргача ҳеч ким паррандачилик билан жиддий шуғулланмасди. Ҳар бири 100-200 минг бондан парранда боқишга, гўшт ва тухум етиштиришга ихтисослашган 3 та комплекс қурилиши туманининг иқтисодий салоҳиятини ошириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади.

Туманда кетма-кет очилляётган қатор банк офислари бундай ишларни амалга ошириш учун халққа кўмакчи ва хайрихоҳ бўляётгани қувонари.



машгул. Бунинг ортида эса мунтазам ва ҳалол даромад, оиаллардаги фаровон ҳаёт, маҳаллаларда жиноятлар камайиши, ёшларнинг ўзига ишончи ортиши, оиаллар мустаҳкам бўлиши каби кўплаб ижтимоий масалалар ҳам ўз-ўзидан ҳал бўлаверарди.

Давлатимиз раҳбари томонидан қарорда бежиз туманни камбағаллик ва ишсизликдан холи худудга айлантириш тўғрисида зарурий кўрсатмалар берилмаган.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида янги ишга тушяётган лойиҳаларда иш ўринлари яратиш, бунинг натижасида одамларимизни, айниқса, ёшларни доимий даромад билан таъминлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Чунки меҳнат ва илм билан банд бўлган, иш билан таъминланган, эртасига мустаҳкам

Сўнгги йилларда Президентимизнинг қатъий сиёсий иродаси билан Ўзбекистонимиз дунёга тўлиқ очилди, жаҳон ҳамжамияти юртимизга чинакам ишонч ва дўстлик кўзи билан қарай бошлади.

Айниқса, яқин қўшничилик муносабатлари мутлақо янги босқичга кўтарилиб, қардош ва қондош қўшни давлатлар билан муносабатимиз том маънода яхшиланди, стратегик шериклик даражасига чиқди. Бунни, айниқса, биз — чегара худудларда яшайдиган аҳоли кўпроқ ҳис қилдик. Авваллари ўзаро борди-келди, савдо-сотиқ, дўстлик-биродарлик бир қадар узилиб қолган бўлса, эндиликда қўшниларимиз билан эмин-эркин савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда узоқ вақт узилиб қолган ришталар қайта боғланди. Бунни барча кўриб-билиб турибди.

Президентимиз Туркменистоннинг олий мукофоти — “Ҳамкорлиқни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун” ордени билан мукофотланганини кўриб, бутун халқимиз қаторида бизнинг ҳам қалбимиз тоғдай кўтарилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари нафақат халқимиз, балки бутун дунёдаги жафокаш инсонларнинг ҳам таъшивини ўйлаб, жаҳон ҳамжамиятига олий инсонийлик намунасини кўрсатди. Уруш ва зиддиятларда бениҳоя азият чекаётган Фаластин халқига беминнат мурувват қўлини чўташ, ушбу давлатдан юртимизга олиб келинган меҳмонларга ҳар томонлама кўмак бериш бўйича фармони имзолади. Фаластинликларни юртимизга олиб келиб, уларга ижтимоий, тиббий, психологик ёрдамлар кўрсатиш, фарзандларини мактабларда ўқитиш, умуман, чинакам инсонийлик тамойиллари билан уларнинг дардига шерик бўлиш лозимлигини яна бир бор барчага амалда кўрсатди. Бу том маънода бутун дунё учун инсонийлик дарси бўлди.

Бекобод туманимиз қўшни Тожикистон Республикаси билан оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас, юқорида таъкидланганидек, 86 километрик чегара бўйлаб туташ ва ёндош. Бизнинг далаю боғларимиз уларнинг тоғу қирларига уланган, бир-биримизга кафдек намоён. Шундай экан, минг йиллар бир осмон остида аҳил ва иноқ яшаб келган жондош элларнинг асил қўшничилиги, чин биродарлик, ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли муносабатларини мустаҳкамлаш фақат ва фақат наф келтиради.

Бунни жуда тўғри ҳис қилган Президентимиз минтақадаги барча мамлакатлар ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликларга тўла барҳам берди, дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳи кучаймоқда, борди-келди эмин-эркин амалга оширилмоқда.

Худудимизда жойлашган “Ойбек” божхона пости ёнидаги 34 гектар майдонда эркин савдо зонаси ва логистика маркази барпо этиляётгани ҳам ана шу илиқ муносабатларнинг яққол далилидир.

Қарийб 400 гектар майдонда бунёд этиляётган саноат зонасининг таърифи эса алоҳида бир мавзу. Биз — Бекобод тумани аҳли бундан бениҳоя хурсандмиз ва бунинг ўзига хос сабаблари бор, айтбатта.

Биринчидан, узоқ йиллар фақат қишлоқ хўжалиги билан боғланиб қолган туман ва ниҳоят саноатлашган худудга айлана бошлайди.

Иккинчидан, саноат зонасида қад ростляётган турфа хил иншоотлар туман инфра-тузилмаси ва қиёфасига ижобий туас беради.

Учинчидан, бу ерда ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ривожлангани сари туман, қолаверса, вилоят ва республика иқтисодиётига муносиб ҳисса қўшилади.

Тўртинчидан, туманга хорижий инвестиция оқими кўпаяди.

Ниҳоят, бешинчидан, амалга ошириляётган янги лойиҳаларда, энг аввало, туман аҳолиси, ёшлари, ўзимизнинг қорақўзлар меҳнат қилади. Бу минглаб ишсизлар бандлиги таъминланиб, хонадонларга қут-барака киради, одамларнинг яшаш шароити ва даромади янада яхшиланиб, уларнинг илхотлардан рози бўлиш ҳисси ортади дегани.

Яқин орада Тошкентдан Паркентга, Андижон марказидан Хонобод шаҳрига поездлар қатнови йўлга қўйилиши билан боғлиқ хабарни эшитиб, туманларга ҳам темир йўл тортса бўларкан-да деб ўйлагандик. Ҳеч қанча фурсат ўтмай, “Энди Бекобод туманидан пойтахтга электр поездлар юраркан” деган хушхабарни эшитдик. Қарорда ўз аксини топган ушбу масала ҳадемай амалга ошса,

пойтахтга ўқишга, ишга қатнаб қўйналиб юрган, ёзининг жазирамасию кишининг аёзиди машина кутиб, асабийлашган одамлар учун мисли кўрилмаган қулайлик бўлади.

Тўғриси, биз — нурунийлар Президентимизни пойтахтдан Бекободга поездда келишларини ва у кишини темир йўл вокзалида кутиб олишни қанчалар орзу қилганмиз. Иншооллоҳ, ушбу ниятимиз ҳам яқин бир-икки йилда амалга ошади.

Халқимиз учун қулайликларнинг наватдагиси соғлиқни сақлаш соҳасида амалга ошмоқда. Уттан уч ойда туман тиббиёт бирлашмасида юрагиди тугма нуқсони бўлган болаларда ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли ўтказилди. Ҳозиргача фақат республика даражасида амалга ошириб келинган бундай операциялар туманда ҳам бошлангани Президентимизнинг соғлиқни сақлаш тизимини аҳолига яқинлаштириш мақсадларига тўла мос келади. Яқинда тиббиёт бирлашмамизда кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази очилгани, олис ва чекка худудлар аҳолиси учун ҳам мунтазам тиббий кўриқлар ташкил этиляётгани фикримизнинг далилидир.

Яна бир нарсани қувонч билан айтишимиз керакки, туманимизда ҳар кунни адабиёт, санъат ва китобхонлик бўлмоқда. “Ҳар мактабга 100 китоб” лойиҳаси доира-сида пойтахтдан таширф бююрган таниқли шоир ва ёзувчилар, эл суйган санъаткорлар, олим ва зиёлилар тумандаги 62 мактабга жами 6200 номдаги китоблар жамланмасини туҳфа этди. Бу тадбирлар “Долзарб 90 кун” лойиҳаси билан ҳамоханг тарзда ўтаётгани учун катта адабиёт байрами, қизгин учра-шуварларга улашиб кетмоқда.

Бундай хайрли ўғаришларнинг бари бизнинг қалбимизни тоғдай юксалтириб, эртанги кунга умидин, қалбимиздаги хотиржамликни, дилимиздаги қувончини яна оширади.

Ижобий янгиланишларни санаб санаюнга етолмаймиз. Кечқурун уйга кириб, тонгда кўчага чиққунимизча қайсидир бир маҳаллада, қайсидир муассасада янглик содир бўляпти. Оқшом бўм-бўш турган майдонларда эртасига янги бир қурилиш бошланяпти. Буларнинг ҳаммаси Бекобод тумани аҳолиси учун бўляётгани, қарор ижроси сўзсиз таъминланаётганидан бағоят шодмиз.

Шу бонс, туман кексалари Президентимизни дуо қиляётган бўлса, ёшлари ўзларига яратилляётган чексиз шароитларни кўриб, белни маҳкам боғламоқда. Ростдан ҳам Бекобод туманининг янада ривожланиш, аҳолиси учун учун чинакам яшаш ва меҳнат қилиш, меҳнатларининг роҳатини кўриш фурсати келди.

Давлатимиз раҳбари шунча шароитларни яратиб бераётганларида бизлар фидойиларча меҳнат қилмасак, қўлни қўлга, дилни дилга боғлаб, Ватан учун, унинг иқтисодий қудрати учун муносиб ҳисса қўшмасак, фуқаролик бурчимизга ҳам, виждон амрига ҳам, муқаддас қадриятларимизга ҳам тўғри келмайди.

Туман марказида барчамиз учун азиз Президентимизнинг самимий кулиб турган сиймоларига боқиб, ўзимизча шундай ваъда берамиз: “Сиз бизларга ишонинг, мухтарам Президент, туманимизни гуллаб-яшнатиш учун ҳамиша сиздан куч ва қудрат оламиз. Бундан бугёнга Бекобод туманидан кўнглингиз тўқ бўлсин! Сиз бизларга эътибор қаратдингиз, биз бутун туман жамоатчилиги ва халқи сизга фидокорона меҳнатимиз ва чинакам садоқатимиз билан жавоб берамиз!”.

Жалолхўжа БЎРИХЎЖАЕВ,
“Нуруний” жамгармаси
Бекобод туман бўлими раиси,
Қосимжон ЕЎҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
халқ ўқитувчиси,
“Фидокорона хизматлари учун”
ордени соҳиби,
Гулчехра РИЎҚУЛОВА,
“Қуштакмағал” маҳалла
фуқаролар йигини раиси,
Халқ депутатлари туман
Кенаши депутати,
“Дўстлик” ордени соҳиби



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

БИР-БИРИДАН УЗОҚДА БЎЛГАН МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДА ҲАМ УЗИЛМАС РИШТАЛАР ЯРАТИЛИШИ МУМКИН

Бошланиши 1-бетда

Ташқи ишлар вазирлари йил давомида мунтазам алоқада бўлди. Улар Ислон ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши каби кўп томонлама тadbирлар доирасида учрашиб, минтақавий барқарорлик ва ислом бирдамлиги йўлида муштарак манфаатларни таъкидладилар. 6 август кунги бўлиб ўтган телефон орқали мулоқот истиқболдаги қўшма ташаббуслар кун тартибидини илгари суриш йўлидаги яна бир қадам бўлди.

Июнь ойда Ўзбекистоннинг Иорданиядаги элчиси (қароргоҳи Ар-Риёз шаҳрида жойлашган) Нодиржон Тургунов Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайнга ишонч ёрликларини топшириб, дипломатик муносабатларини мустаҳкамлади.

Иқтисодий дипломатия август ойда Ўзбекистон инвестиция, саноат ва савдо вазири Лазиз Кудратовнинг Иорданияга ташрифи билан янги динамика олди. Ушбу ташриф



чоғида савдо-иқтисодий, инвестициявий имкониятлар ва қўшма корхоналарни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Вазир Лазиз Кудратов Иордания инвестиция вазири ва бошқа муҳим шахслар, жумладан, Иордания фосфат компанияси

вакиллари билан учрашувлар ўтказиб, тоғкон саноати, фармацевтика ва ўғит саноати соҳаларида ҳамкорлик қилиш масалаларини муҳокама қилди.

Жорий йилнинг бошида Иордания Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида ўзаро англашув меморандуми имзоланди. Мазкур ҳужжат икки мамлакат ишбилармонлиги алоқаларини мустаҳкамлашда муҳим пойдевор бўлди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Даврон Ваҳобов ҳам иқтисодий масалаларини муҳокама қилиш, қишлоқ хўжалиги ва технология каби соҳаларга эътибор қаратиш мақсадида Амманга ташриф буюрди.

Маданий алмашинувлар Ўзбекистон — Иордания муносабатларига алоҳида туртки бермоқда. 2025 йил май ойда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Ислон ташкилоти (ICESCO) Самарқанд шаҳрини “Ислон дунёсининг маданий пойтахти” деб эълон қилиш бўйича тadbирини ўтказди. Ушбу фахрий унвон Ўзбекистоннинг буюк

цивилизациялар чорраҳаси сифатидаги тарихий ролини яна бир бора тасдиқлади.

Тadbир доирасида Иордания маданият вазири бошчилигидаги делегация маданий меросини асраб-авайлаш ва қўшма дастурлар ишлаб чиқиш масалаларини муҳокама қилиш мақсадида Самарқандга ташриф буюрди. Бу ташаббуслар Бухородаги маҳобатли масжидлардан тортиб, Ажлун қалъаси каби Иорданиянинг тарихий ёдгорликларига ҳам бўлган мамлакатларни бирлаштирувчи умий ислом меросини мустаҳкамлайди.

Таълим соҳаси ҳамкорлигининг яна бир муҳим йўналиши. Иорданияда тахсил олаётган Ўзбекистонлик талабалар сонини орттириб бормоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон ахборот технологиялари, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда алмашинув дастурларини тақдир қилиш орқали иорданиялик талабалар учун имкониятлар яратилмоқда. Бу сайёҳаракатлар нафақат инсон капиталини ривожлантириш, балки халқларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам замин яратди.

Дипломатиядан ташқари Ўзбекистон ва Иорданиянинг ўхшаш жиҳатлари ҳам бор. Ҳар икки мамлакатда ҳам аҳоли барқарорлик, иқтисодий ривожланиш, глобал муаммоларга қарши курашда маданий анъаналарни сақлашни қадрлаб, ўз етакчилигини фаол қўллаб-қувватламоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг иқтисодиётни модернизация қилиш борасидаги ислохотлари юксак баҳоланмоқда. Ҳудди шундай, Подшоҳ Абдулла II ибн ал-Ҳусайннинг доно ва инклюзив бошқарув йўли ҳамда минтақавий мураккабликларни ҳал қилиш қobiliяти билан Иорданияда юксак ҳурматга сазовор бўлди.

Ҳамкорлик салоҳияти жуда юқори. Туризм, айниқса, истиқболли йўналиш сифатида ажралиб туради. Регистон майдони каби Ўзбекистондаги ЮНЕСКО объектлари иорданиялик сайёҳларни ўзига жалб қилиши мумкин. Иорданиядаги Ўлик денгиз ва Рум Води (Ой водийси) эса ўзбеклар учун ноёб тажрибаларни тақдим этади. Виза режими яхшиланиши ва тўғридан тўғри

авиарейсларни йўлга қўйиш билан сайёҳлар оқими сезиларли даражада ошиши мумкин. Иқтисодий нуктаи назардан, қайта тикланадиган энергия манбалари, тўқимачилик ва озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича қўшма корхоналар Ўзбекистоннинг табиий ресурслари ва Иорданиянинг стратегик жойлашувидан фойдаланган ҳолда катта салоҳиятга эга.

Ўзбекистон ва Иордания ўртасидаги 25 август кунги бошланган олий даражадаги музокаралар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларда янги саҳифа — ўзининг интенсивлиги ва кўлами бўйича мисли кўрилмаган бобни очди.

Дипломатик босқичлардан тортиб, иқтисодий келишувлар ва маданий синергияларга ҳам бўлган ўзаро таъсирлар мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги учун мустаҳкам пойдевор яратди.

Фахрий консул сифатида мен бу жадаллик халқларимизга сезиларли даражада фойда келтириб, Осиё бирдамлигининг энг яхши намунаси бўлган ҳамкорликни ривожлантиришига умид қиламан. Ўйлайманки, халқларимиз ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланади ва ҳатто географик нуктаи назардан бир-биридан узоқ бўлган мамлакатларимиз ўртасида узилмас ришталар яратилади.

“Дунё” АА,

Амман ш.

Муносабат



66

Мазкур мукофот орқали ўзим учун иккита ҳақиқатни англаб олдим. Биринчи навбатда, “Инсон қадри учун” ғоясининг рўбинини фаолиятим мисолида кўрдим. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун озми-кўпми меҳнат қилсангиз, албатта, қадр топиши, эзгу ташаббуслар кўрсатсангиз, қўллаб-қувватланиши, имкон яратиб, йўл очиб берилиши ҳамда инсон салоҳиятига ишонч борлигига амин бўлдим. Иккинчидан, халқимизнинг нақадар илиқ ва ёқимли меҳрини туйдим. Инсон учун ҳаётда энг тўғри йўл Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш эканига ишонч ҳосил қилдим.

ЮРТГА САДОҚАТ БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ – ЭНГ ОЛИЙ ШАРАФ

Инсон тadbиркор бўлиб туғилмайди. У, аввало, ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиш учун ҳаракат қилади, тиришади, ишлайди. Илк қадамларни кичик юмушлар билан бошлаб, катта ишлар сари одимлаб боради. Албатта, ҳато қилишди, ўрганади, тажриба тўтлайди ва аста-секин чархланиб боради. Менинг тadbиркорлик фаолиятим ҳам шундай шаклланган ва ривожланган деб биламан.



Жаҳонгир ОРТИҚХЎЖАЕВ,
“Akfa Group” компаниялар
гурухи асосчиси,
“Фидокорона хизматлари
учун” ордени соҳиби

Болалигимизда тadbиркорликка муносабат бугунгидай эмасди. Асрлар давомида халқимизга хос бўлган ишбилармонликка иллат сифатида қаралган. Собиқ совет тузуми даврида “хусусий мулк” деган тушунча йўқ, бойлик орттириш эса жиноят эди. Тadbиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлганлар “чайқовчи”, “товламачи”, “фирибгар”, “олиб сотар”, “ўғри”, “жамият душмани” деган тамгалар билан камситиларди. Биз шундай оғир муҳитда вояга етганимиз ва тadbиркорлигининг иллат эмас, асрашча, хайрли иш эканини англаб етишимиз учун анча йил кетди. Эҳтимол шу тўғрийдир, ёшида қилмаган ишларимиз тadbиркорлик эканини яхши тушунаганимиз. Қўндалик эҳтиёжларни қаноатлантириш, тирикчилик, яшаш, оила ва фарзандларнинг моддий таъминоти асосий мақсадимиз бўлган. Бора-бора ўзимизнинг ким эканимиз, нималарга қўйирлигимиз, каттароқ мақсадлар учун яшаш ҳақида йўналиш бешланган. Бу мақсадлар бизни жамиятга фойда келтириш, халқ учун хизмат қилиш, ўзимиздан кейин бир эзгу мерос қолдиришга ундаган. Шу маънода, тadbиркорлик йўли — ички изланишим, янгилекларга интилишим, аввало, ўзимни топишим ва халққа хизмат қилишим йўлидаги табиий жараён бўлди. Кичик ишлардан бошланган сайёҳаракатлар катта имкониятларга йўл очди. Бугун ўз меҳнатим билан эришганларимдан нафақат моддий манфаат, балки маънавий қаноат ҳам топиаман. Ўз ўрнида бу максуддорлик мени янада юксак мақсадларга чорламақда.

Давлатимиз раҳбари шу йил 20 август кунги тadbиркорлар билан учрашувда қўсиммага тақдан ордени тadbиркорлик фаолиятинида хали кўп янгилеклар қилишим кераклигига бир ишора бўлди, десам муболага бўлмайди. Насиб этса, бор тажриба ва салоҳиятимиз, куч-гайратимизни иқтисодиётимиз ривожини, халқимиз манфаатини учун сарфлаймиз. Ростини айтсам, бу мукофот нафақат мен, балки оилам, тadbиркорлик фаолиятимда ёнимда оркама-елка туриб меҳнат қилатган дўстларим, ҳамроҳларим ва бутун жамоам учун ҳам жуда катта қувонч, чинакам рағбат бўлди. Аслида, шундай тинч-осойишта юрда, тараққиёт сари дадил одимлаётган, инсон қадри юксалаётган мамлакатда яшаш, тadbиркорларни халқнинг таянчи деб билайдиган, бизни қалби билан тинглайдиган, тушунадиган ва юксак марралар сари руҳлантира оладиган

Президентимиз жамоасида халққа хизмат қилишнинг ўзи ҳар биримиз учун катта мукофот. Бу юксак эътибор ва эътироф учун, аввало, давлатимиз раҳбарига, жонажон халқимизга чексиз миннатдорлик билдираман.

Мазкур мукофот орқали ўзим учун иккита ҳақиқатни англаб олдим. Биринчи навбатда, “Инсон қадри учун” ғоясининг рўбинини фаолиятим мисолида кўрдим. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун озми-кўпми меҳнат қилсангиз, албатта, қадр топиши, эзгу ташаббуслар кўрсатсангиз, қўллаб-қувватланиши, имкон яратиб, йўл очиб берилиши ҳамда инсон салоҳиятига ишонч борлигига амин бўлдим. Иккинчидан, халқимизнинг нақадар илиқ ва ёқимли меҳрини туйдим. Инсон учун ҳаётда энг тўғри йўл Ватанга, халққа садоқат билан хизмат қилиш эканига ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда бир воқеа эсимга тушиб кетди. 2022 йилги учрашувда ёш тadbиркор йигит ҳавас билан Президентимиздан у кишидаги туганмас энергия, самарадорлик ва муваффақият сири, аникроғи, “ҳаёт формуласи” ҳақида сўраганида, давлатимиз раҳбари қисқа қилиб “Бунда сир йўқ, сир битта — Ватани севиб керак”, деб жавоб берганди. Мен бугун шу ҳақиқатни ўз вужудимда ҳис қилдим. Инсонга бу қадар завқни, бу қадар тоғли саодатини бошқа ҳеч нарса беролмас керак. Ушбу мукофот менга тўғри йўлда эканини кўрсатувчи бир ишора бўлди.

Кўпинча одамлар тadbиркорларни фақат мол-мулкни кўпайтириш билан шуғулланадиган, бойлиги кўп, ҳар ишга қодир ва ғам-ташвишсиз инсон сифатида тасаввур қилади. Аслида, ундай эмас, тadbиркорлар ҳам, аввало, инсон. Уларнинг ҳам юрагида инсоний



туйғулар кечади, ўз олдиға ҳаётини мақсадлар қўяди, кўнглида ёруғ оруз-умидлар тугади. Тажрибадан келиб чиқиб айтаманки, пул ва бойлик тadbиркор учун асосий мақсад эмас, шунчаки мақсад йўлида керак бўладиган ресурс ёки сармоя. Агар бойлик асосий мақсад бўлганида, ҳаёт моҳиятини йўқотиб, бир ўзанда тўхтаб қоларди. Лекин одамнинг ҳаёти ва инсонийлик қиймати бойлик орттириш билан ўлчанмайди. Балки кишиларга наф келтира олгани, қанчалик кўп эзгу ишга улгургани, бошқаларга руҳий куч бағишлай олганида намоён бўлади. Шундай экан, тadbиркорлик йўлини инсоннинг ўз манфаатидан бошланиб, халқ манфаати томон ўзайишида кўраман. Бу йўлнинг бошида тирикчилик ташвиши, иккинчи армияда халққа садоқат билан хизмат қилиш масъулияти туради. Бугун тadbиркорлик

ишчиларнинг меҳнатини қадрлаш, ишиға яраша адолатли ҳақ тўлашни масала қилган бўлардим. Чунки тadbиркор очган иш ўрнида инсон меҳнат қилади ва у олаётган ҳақиға рози бўлиши жуда муҳим. Ишидан, маошидан қаноат ҳосил қилган ҳодим учун иш ўрни қадрли бўлиб қолади ва у бор куч-гайрати билан меҳнат қилади. Тadbиркорнинг ишида эса баракка ошиб бораверади.

Бу соҳада яна бир муҳим талаб ҳалолликдир. Ғиромлик ва қингир-қийишқ йўллар билан пул топиш тadbиркорлик йўлини қисқа қилиб қўяди. Узоқни кўзлаган тadbиркор шубҳали йўлдан норайди, коррупциядан узоқ бўлади ҳамда ўз кучи ва салоҳиятига ишончи орқали муваффақият сари хотиржам боради. Бу эса тadbиркорға ҳам, халққа ҳам, давлатга ҳам бирдек манфаат олиб келади.

Эътироф

Ҳар бир миллатнинг қалбида унинг маданияти ва санъати гавдаланади. Халқимиз маънавиятининг шаклланишида катта ҳисса қўшган, эл муҳаббатига сазовор бўлган юксак санъаткорларни асраб-авайлашимиз, уларнинг хотирасини эъзозлашимиз шарт.

ЧИН ИЖОДКОРНИ ЭЛ УНУТМАЙДИ

Мана шундай буюк санъат намояндаларидан бири — марҳум отам Охунжон МАДАЛИЕВ. У киши бутун ҳаёти ва ижодини халққа бағишлаган, юракдан ижро этган қўшиқлари билан миллионлаб инсонларни руҳлантирган, муҳаббат ва Ватанга садоқатни куйлаган сиймолардан бири бўлган.

Президентимиз билан турли расмий тadbирларда бир неча бор кўришиш насиб этган. Давлатимиз раҳбари ҳар гал марҳум отам ҳақида самимий сўзлар айтиб, кейин менга ҳам “Отангдек инсон бўл” деб тилак билдирганларидека қалбимда фахр-ифтихор билан бирга масъулият туйғуси ҳам кучайган. Бундай эътибор ва далда мен учун бекиёс бахт.

Мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрамни арафасида отам “Меҳнат шўҳрати” ордени билан тақдирлангани ҳақидаги янгилик оиламиз учун унутилмас, қувончли воқеа бўлди. Бу юксак мукофотни нафақат отамнинг хотирасига бўлган эътироф, балки халқимиз ва санъат аҳлига кўрсатилаётган эҳтиром сифатида қабул қиламан.

Шу билан бирга, бу эътироф менга янада катта масъулият юклатди — халқимиз ва юртимиз учун муносиб хизмат қилиш, ишонч ва эътиборга лойиқ бўлиш бурчимдир.

МЕҲНАТНИНГ ҚАДРЛАНИШИ ЎЗАРО ҲУРМАТ ВА БИРДАМЛИКНИ ОШИРАДИ

Тоҳир САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ артисти

Аввало, барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ, энг азиз байрамимиз — мустақиллигимизнинг 34 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Эркимиз, хурриятимиз, тараққиётимиз асоси бўлган ушбу байрам ҳар бир хонадонга шуқуҳ ва фаровонлик олиб кирсин, дастурхонларимиз тўкин бўлсин.

Бу йил мамлакатимизда барча соҳа — қурилиш, ижтимоий ҳимоя, таълим, оммавий ахборот воситалари, тиббиёт ва бошқа йўналишларга катта эътибор қаратилди. Ҳар бир соҳада янгиланишлар жараёни давом этапти, халқимизнинг ҳаёти яхшиланимоқда. Халқ фаровонлиги учун сидқидилдан хизмат қилган ҳар бир инсон қадрланмоқда. Бу эътироф уларни янги ютуқларга илҳомлантирмоқда.

Санъат оламида 40 йиллик тажрибага эга ижодкор сифатида кейинги йилларда маданий соҳасига эътибор аввалги йилларга нисбатан сезиларли даражада ошганини таъкидламоқчиман. Вилоят, туманларда ишлаётган маданий ҳодимлари ҳам муносиб тақдирланди, меҳнати юксак баҳоланди. Бу эътибор барча санъаткорлар учун катта рағбат ва илҳом манбаи бўлди.

Санъаткорни жўшқин ижода, кўнглида шу кунларга етказсин, дея ният қилишга ундайдиган омиллардан бири “Ўзбекистон Республикаси халқ артисти” фахрий унвонидир. Бу юксак эътирофга лойиқ қўйилганимдан бағоят хурсанд бўлдим. Бу мен учун нафақат катта шараф, балки жуда юксак масъулият ва янги имкониятлар эшигини очган воқеа.

Ушбу эътироф нафақат ўзим, балки яқинларим, ҳамкасбларим ва мухлисларим учун ҳам катта қувончли ҳодиса бўлди. Булар менга куч ва ишонч бағишлади,




Қиличбек МАДАЛИЕВ,
хонанда



албатта. Ҳар бир инсоннинг меҳнати қадрланса, жамиятда ҳам ўзаро ҳурмат ва бирдамлик кучаяди. Ҳарбийларда бундай гап бор: “Генералликни орзу қилмаган аскар — аскар эмас”. Санъат оламида ҳам ёшларимиз ушбу орзу билан яшайди, меҳнат қилади. Улар ҳам юксак макомга эришишни, ўз меҳнати билан халқнинг меҳрини қозонишни орзу қилади. Айни дамда юрагимдан кечаётган хурсандлик ва фахр туйғусини барча санъат мухлислари, ижодкорлар ҳис этишини тилайман.

Юртимиз тинч, осойишта бўлсин, халқимиз бахтли ва фаровон яшасин! Маданият ва санъат ривожлансин, янги, ёш истеъодлар дунёга келсин. Буюк ва муштарак орзуларимизни биргаликда амалга оширайлик!



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ҲИШ УЧУН
QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Кун мавзуси

Тошкент шаҳрида қуриб битказилган Олимпия шаҳарчаси имкониятлари билан танишиш чоғида Президентимиз стол тенниси ҳаммабоп, арзон ва қулай спорт тури эканини таъкидлаб, ҳар бир мактаб ва маҳаллада уни оммалаштириш, зарур анжомларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.



Шерзод КУДБИЕВ,
Ўзбекистон стол тенниси федерацияси раиси

Мамлакатимиз номдор ва доврқули чемпионлар юртига айлангани ҳеч кимга сир эмас. Бунини хорижийлик эксперт ва таҳлилчилар эътироф этиши ҳам одатий ҳолга айланиб қолди. Бутун дунё эътиборини тортадиган халқаро мусобақа ва нуфузли анжуманларга меzonлик қилиш борасида шаклланган миллий тажриба эса кўпчилиكنинг ҳавасини уйғотмоқда.

Оқоридаги фикрлар исботини биргина стол тенниси мисолида ҳам аққол кўриш мумкин. Жумладан, жорий йил 28-31 май кунлари 20 га яқин давлатнинг 300 нафардан зиёди ёш спортчиси пойтахтимизда жам бўлгани, улар иштирокида Халқаро стол тенниси федерацияси — ITTF таснифидаги “WTT Youth Contender Tashkent” турнири юксак савияда ўтказилгани диққатга сазовор.

Орадан кўп ўтмай, яъни 26 июнь-2 июль кунлари спорт ҳамжамиятининг нигоҳи яна Ўзбекистонга қаратилди. Айни шу саналарда юртимизда илк бор стол тенниси бўйича ёшлар ўртасида қитъа чемпиoнати куттилганидан-да аъло даражада уюштирилди. Алоҳида таъкидлаш жоизки, Осиё стол тенниси иттифоқи 30 га яқин мамлакат вакиллари қатнашган бу мусобақанинг ташкилий жиҳатларини юксак баҳоладди.

Хўш, қисқа муддатда бундай ютуқларга эришишнинг омиллари нималардан иборат? Қандай саъй-ҳаракатлар ушбу муваффақиятларга мустаҳкам замин бўлмоқда?

Истиқлол байрамига мунособат тўғрисида

Янги Ўзбекистоннинг спорт ислохотлари ҳақидаги гапимизни бежиз Олимпия шаҳарчасидан бошламадик. Мазкур мажмуа сўнгги йилларда соҳада амалга оширилган ишларнинг юксак нуқтаси янглиг бўй кўрсатди. Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик шодиёнаси арафасида турли ижтимоий объектлар қаторида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган спорт масканининг очилиши, халқимиз ибораси билан айтганда, катта тўйга катта тўёна бўлди.

Футбол

2025 йил Ўзбекистон футбол бўйича халқаро майдонларда тарихий натижаларни қайд этди. Халқимизнинг 34 йиллик орузси ушалиши, яъни Ўзбекистон терма жамоасининг футбол бўйича жаҳон чемпионати йўлнамасини қўлга киритиши, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг Осиё кубоги финалидаги ёрқин ғалабаси шулар жумласидан.

Албатта, бу ютуқлар юртимизда сўнгги йилларда спортга қаратилаётган улкан эътибор, соҳада амалга оширилаётган ортга қайтмас ислохотлар ҳамда ҳудудларда мунтазам футбол спорт мусобақалари ташкил этилаётгани самарасидир.

Айниқса, 2021 йилдан буён ўтказиб келинаётган футбол ҳамда мини-футбол бўйича Давлат хавфсизлик хизмати кубогига ёшларимизнинг қизиқиши йил сайин ортмоқда.

Олимпия шаҳарчаси:

Ўзбек спортининг илмий-амалий ва ўқув-машғулот маркази

Олимпия шаҳарчаси қурилишига 2022 йил 9 ноябрда тамал тоши қўйилган. Ўшанда давлатимиз раҳбари бу жой халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланиши, меъморий жиҳатдан мукамал, энергетикакор ва илғор инновацион ечимларни мужассам қилган ноёб мажмуа бўлишини таъкидлаган эди.

Шундай бўлди ҳам. Қисқа вақт ичида 100 гектардан зиёд майдонда муҳташам иморатлар қад ростлади. Шаҳарчадаги 5 та асосий спорт иншоотининг бири велодром бўлиб, у мураккаб муҳандислик ечимлари негизда барпо этилган.

Трекка ёруғлик бир хил ва тенг даражада тушди. Бу спортчиларга қулай бўлиши билан бирга томоша ва телетрансляция меъёрларига ҳам мос. Ўриндиқлар 2200 кишига мўлжалланган. Халқаро олимпия кўмитасининг янги талаби бўйича томоша жойларига ҳимоя тўсиги ўрнатилган.

Биз учун яна бир муҳим томони велодром ўртасида стол тенниси мусобақалари ва машғулотларини ўтказиш учун қулай шароит яратилгандир. Бошқача айтганда, оммавийлиги бўйича жаҳонда кучли бешта спорт туридан бири саналган стол тенниси мураббийлари ва мутахассислари уларга энг замонавий маскан тақдим этилганидан қанчалик миннатдорлигини сўз билан таърифлаш мушкул.

Албатта, ҳаммани қувонтирган ушбу янгилик давлатимиз раҳбарининг жисмоний тарбия ва спорт йўналишига, хусусан, стол теннисини янада ривожлантиришга қаратаётган юксак эътиборининг амалий натижасидир. Олимпия шаҳарчаси — ўзбек спортининг илмий, амалий, ўқув-машғулот маркази. Зеро, бу ерда машғулотлар билан бирга спорт таълими, илми, тиббиёти мужассамлашган.

Тақдиротлар билан танишув пайтида Президентимиз стол теннисини янада оммалаштириш масаласига алоҳида уруғ берди. Одамларимиз шу спортни яхши кўришини инобатга олган ҳолда уларни

қўллаб-қувватлаш, ҳар бир маҳаллага кириб бориши лозимлигини таъкидлади. Мутасаддиларга соҳани рақамлаштириш, спорт федерациялари фаолиятини кучайтириш ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда янги лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини уқитди.

Изчил ислохотлар самараси рақамларда намоён

Ўтган аср охири, аниқроғи, 1988 йили Олимпия ўйинлари дастурига киритилган



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ ўқиш учун
QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

стол теннисини юртимизда тараққий эттириш, профессионал спортчилар тайёрлаш, аҳоли кенг қатламлари орасида оммалаштириш борасида эришилган ютуқлар таҳлилига ўтишдан олдин жозибадор ўйиннинг тарихидан бир шингил маълумот келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Кўхна Чин салтанатининг ўрта асрларга оид ёзги саройлари деворларида ўша давр одамлари пинг-понг ўйнаётгани акс этган суратлар ҳозиргача сақланиб қолган.

Дарвоқе, пинг-понг стол теннисининг қадимий номларидан бири, ҳозир ҳам кўп жойларда фаол қўлланилади. Биз тилга олган ёзги сарой эса Хитой императорларининг қароргоҳи саналган.

Манбалардан маълум бўлишича, замонавий стол тенниси бўйича расмий мусобақа 1900 йили Лондонда ўтказилган. Вестминстер аббатлигида уюштирилган баҳсда узоқ-қиндан келган 300 киши қатнашган.

Энг машҳурлар қаторида эркаклар ўртасида Виктор Барна, аёллар орасида эса Мария Медянски тилга олинади. Улар



имконият эшикларини очишга хизмат қилаётир. Бутунги кунда юртимизда қарийб 73 минг нафар спортчи стол тенниси билан доимий шугулланаётгани ҳам оддий рақамлар эмас.

Яна бир жиҳати, илгари мусобақа ўтказилганини биров билиб, биров билмай қоларди. Эндиликда эса қатъий тақрим асосида жаҳон андазалари даражасида ташкил этилмоқда. Кейинги йилларда маҳаллий, миллий ва халқаро миқёсда ўтказилган 30 та мусобақанинг аксарияти ITTF белгиланган мезонларга мос равишда уюштирилгани фикримиз далилидир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ана шу баҳсларда спортчиларимизнинг ҳам, ҳакамларимизнинг ҳам, мураббийларимизнинг ҳам тажрибаси сезилари даражада ошди. Эндиликда нуфузли турнирларда шунчаки иштирок этиб келишмас, балки жаҳоннинг манаман деган чемпионларига рақобатчилик қилиш асосий мақсад этиб белгиланган. Шу маънода, келаси йили 6 та халқаро мусобақага мезонлик қилиш тадориги ҳозирдан бошлангани эътиборга молик.

Федерация фаолиятининг яқин муддатга мўлжалланган “йўл харитаси”га кўра, ҳудудлардаги 1300 та маҳаллага, 256 та умумтаълим мактабига, кўплаб олий ўқув юртилари ва истироҳат боғларига теннис столлари, замонавий ракетка ва стандартга мос копточкалар етказиб берилади.

Ўзбекистон стол тенниси федерацияси учун алоҳида бино қуриб фойдаланишга топширилгани ҳам муҳим воқеа бўлди. Умумий майдони 2100 квадрат метрни ташкил этган иншоотни бунёд қилиш ва уни жиҳозлаш учун тадбиркорлар ҳомийлиги ҳисобидан муайян миқдорда маблағ ажратилди. Натижада мажмуанинг бир кунлик қатнов қуввати 150 кишидан оширилиб, стол тенниси ихлосмандларига барча шароитлар яратилди.

Нима учун стол тенниси ўйнаб туриш керак?

Ҳеч эътибор берганмисиз, маҳаллалар ва кўп қаватли уйлар атрофида стол тенниси ўйнаб, ўзига хос мусобақа уюштирадиган болаларни учратиш мумкин. Улар стол тенниси учун зарур спорт инвентарлари тополмас, қўлбола ускуналарни қўллаб, шу ўйин билан машғул бўлади. Кўпчилик меҳнат жамоаларида ҳам ходимларга стол

тенниси ўйнашига шарт-шароит яратилган.

Чунки спорт тенниси ёш қари учун оммабоп спорт тури ҳисобланади. Пинг-понгни ёқтирмайдиган кишини топиш мушкул. Бир томондан у инсонга завқ бағишласа, иккинчи тарафдан саломатликка фойдаси бекиёс.

Стол тенниси билан шугулланган кишида кўриш қобилияти яхшиланади. Ўзоқни яхши кўра олмайдиган, компьютер қаршисида кўп ўтирадиган ёш қўзини бирор хасталиқдан даволатган кишиларга стол тенниси катта ёрдам беради. Чунки ўйин вақтида инсоннинг бутун диққат-эътибори фақат копточкага қаратилгани боис, кўз қисқа масофа атрофида тинимсиз машқ олади.

Пинг-понг нафас ва юрак-қон томир тизимлари фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўйин вақтида бир дақиқа оралигида спортчи 120 тагача зарба бериши баробарида чаққонлик ва абжирликни ўрганади. Унда асабини тинчлантириш кўникмаси шаклланади.

Бундан ташқари, бу ўйин оёқнинг болдир мускуллариини мустаҳкамлайди. Велоспорт, конькида учини, футбол, баскетбол, умуман, оёқни кўп ишлатиш талаб этиладиган бошқа спорт турларида ҳам жуда асқатади. Тез югуриш, бошлангич тезликни оширишда ҳам стол теннисининг ўрни муҳим.

Диққатни бир жойга жамлаб, ҳозиржавоб бўлишда бу спортнинг аҳамияти катта. Масалан, аксарият боксчи рақибига тезкор жавоб қайтаришни ўрганиш мақсадида стол тенниси билан шугулланади. Негаки бу билан улар турлича усулда зарба бериш техникасини ўзлаштиради.

Битта ўйин давомидида спортчи каминда тўрт чақирим югуришга тенг ҳаракат қилишни соҳа олимлари аллақачон ҳисоблаб чиқишган. Тадқиқотчилар, шунингдек, пинг-понг ўйнаётган киши баскетболчилдан кўпроқ энергия сарфлашини исботлашган. Бутунги профессионал стол теннисида копточка тезлиги соатига 170 километрга чиқаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу маълумотнинг аксиома эканлиги янада ойдинлашади.

Биз юқорида стол тенниси тафаккурни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишига бежиз уруғ бермадик. Космонавтлар тайёрланадиган ўқув марказлари дастуридан стол тенниси машғулотлари доимий равишда ўрин олгани ҳам фикримизга далил бўла олади.

Хулоса ўрнида қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон стол тенниси федерациясининг барча мутасадди ва мутахассислари “Лос-Анжелес — 2028”га тайёргарлик доирасида Олимпия ўйинларида 2 та лицензияни қўлга кириштириш, 114 та халқаро мусобақада муносоиб иштирок этиш, хорижда 20 дан ортқ ўқув машғулотни ўтказиш, чет элдан малакали мураббийлар, жумладан, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа мамлакатлардан кучли мутахассисларни тақлим қилиш юзасидан музокаралар олиб бормоқда.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Беларусь стол тенниси федерацияси билан меморандум имзоланди. Жанубий Корея, Япония, Хитой ва Германия билан умумий инвестиция миқдори бир миллион долларни ташкил этадиган лойиҳалар тасдиқланиши кутиляпти. Жумладан, бутунгача амалга оширилган ишлар натижаси билан Олимпия стандартларига жавоб берадиган 185,3 минг долларга теннис столлари ва бошқа спорт анжомлари олиб келинди.

Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари соҳага қаратаётган юксак эътиборнинг ҳаёдаги — одамлар кўз ўнгиди рўй бераётган тасдиқдир.

Бундай эътибор натижасида яқин келажакда стол тенниси тарихига ўзбекнинг “Виктор Барна” ва “Мария Медянски” каби қаҳрамонлари ўз номини ёзишига шубҳа йўқ.

ХАЛҚАРО ЯШИЛ МАЙДОНЛАРГА ЙЎЛ
МАҲАЛЛАЛАРДАН БОШЛАНАДИ

Бу йил ДХХ кубоги мусобақаларида 251 минг нафардан ортқ маҳалла ёшлари қамраб олинган сўзимизни исботлайди.

Жорий йил мусобақанинг биринчи босқич баҳслари апрель-май ойларида туман, шаҳарлар кесимида ўтказилган бўлса, июнь-июль ойларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида иккинчи босқич мусобақалари бўлиб ўтди. Ўтган ҳафта ДХХ кубогининг сўнгги, ҳал қилувчи республика босқичи ўтказилди.

ДХХ кубогининг футбол бўйича “Жар” стадионида ўтказилган финал ўйинида Сирдарё вилояти Янгйер шаҳрининг “Абдурахмон Жомий” МФЙ ёшларидан иборат жамоа Қашқадарё вилояти Касби туманининг “Қоратепа” МФЙ жамоаси футболчилари билан куч синашди.

Учрашувнинг дастлабки дақиқаларида жамоалар тенг кураш олиб борди. Кейинчалик эса сирдарёлик ёшлар устунлиқни ўз қўлига олди. Лекин кетма-кет ҳужум ташкил этишларига қарамай, биринчи бўлимда ҳисоб очилмади. Иккинчи бўлимда эса ўйиндаги устунлик ҳисобга ўз аксини



топиб, сирдарёлик футболчилар гол уришга муваффақ бўлди. Якунда “Абдурахмон Жомий” МФЙ ёшлари жамоаси рақибларини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Шу тариқа “Қоратепа” жамоаси иккинчи ўрин, Тошкент шаҳри жамоаси эса учинчи ўринни қўлга киритди.

Баҳсни қузатганлар ўйин профессионал даражада ташкил этилганини алоҳида қайд этиб, мусобақанинг футболни халқимиз орасида янада оммалаштириш ҳамда соҳа ривождаги аҳамиятини юқори баҳолади.

— Бир неча йиллардан буён профессионал даражада ташкил этилаётган



ДХХ кубоги халқимиз, айниқса, ёшларимиз орасида футболга қизиқишини ошириш, ушбу спорт турини оммалаштиришда катта роль ўйнамоқда, — дейди ЎФА вице-президенти Одил Аҳмедов. — Шунингдек, мусобақа қатнашчилари орасидан иқтидорли ёшлар сараланиб, профессионал футболга жалб этилаётгани футбол ривожига ҳам салмоқчи ҳисса қўшмоқда. Шу жиҳатлари билан бундай мусобақаларнинг кўпроқ ўтказилиши ўзбек футболни тараққиёти учун фойдали деб ҳисоблайман.

“Бунёдкор” футбол академияси майдонларида ўтказилган ДХХ кубогининг мини-футбол бўйича финал баҳслари ҳам қизғин кечди. Қизлар ўртасидаги

беллашуларда Навоий вилояти, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилояти жамоалари шохсупага кўтарилди. Ўғил болалар орасида эса Тошкент шаҳри, Самарқанд ҳамда Қашқадарё вилояти жамоалари кучли учликдан жой олди.

Ғолиб жамоалар маҳалласида турли спорт иншоотлари қурилиши спортнинг янада оммалашши, ёш ўғил-қизларимизнинг жисмонан соғлом, ақлан етуқ авлод бўлиб етишишига замин яратиши билан янада аҳамиятлидир.

Мусобақада ўғил болалар ўртасида футбол ва мини-футбол бўйича ғолиб бўлган жамоалар маҳалласига мини-футбол майдони, иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар учун универсал спорт майдони (баскетбол ва волейбол ўйинлари учун мўлжалланган), учинчи поғонадан жой олган жамоалар маҳалласига “Стритбол” (бир саватли кўча баскетболи) спорт майдони қуриб бериладиган бўлди. Қизлар мусобақасида ғолиб ва совриндор бўлган жамоалар пул мукофоти билан тақдирланди.

“Жар” стадионида ўтказилган финал учрашуви доирасида элимиз суйган санъаткорлар иштирокида намоиш этилган концерт дастури мусобақа иштирокчилари ҳамда мухлисларга юқори кайфият улашди.

Санжар ЭШМУРОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Жонибек АЛИЖОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бу иморатнинг ҳар бир гишти шунчаки қўйилмапти, у ватанпарвар юракларнинг зарби, уйғоқ тафаккурлар учқуни билан сайқалланмоқда. Келажакимизни бировларнинг андازаси билан эмас, ўз миллий қадриятларимиз ва умумбашарий ютуқлар уйғунлиги асосида барпо этмоқдамиз. Бу — ўз йўлимизни топиш, ўз сўзимизни айтиш ва ўзлигимизни дунёга намён этиш дари.

Айни иморат гишт ва тошдан эмас, тафаккур ва ғайратдан, зиё ва маърифатдан, илм ва санъатдан қад ростланмоқда. Унинг меъмор — халқ ишончини оқлашни ўзининг бош мақсади деб билган Президентимиз, қурувчилари эса шу Ватанга ўз тақдирини боғлаган фидойи юртдошларимиз ҳисобланади. Бугун шу иморатнинг ҳар бир нақшу нигори, устунию равоқларига теранроқ назар ташлаб, унинг дунёга қандай бўйи чўзаётганини англашга ҳаракат қиламиз.

Ҳар қандай улугвор иншоот мустаҳкам пойдевор узра қурилади. Бизнинг маънавий иморатимиз пойдевори эса икки буюк унсурнинг — аждодлардан мерос замин ҳамда маърифатдан ёғду олган шуурнинг бебаҳо қоршисасидан иборат. Замин — Хоразмий рисолаларида яширинган алжобар кудрати, Ибн Сино қаламига мансуб шифо ҳикмати, Беруний нигоҳи етган бурчлар сир, Сохибқирон Темури шахматдаги даҳо тафаккур ва Улугбек расадхонасидан киннотга боққан теран назар. Бу — асрлар давомида сайқал топган, ҳеч бир шамолга эгилмаган ва ҳеч бир босқинда йўқолмаган миллий ўзлигимиз, гурури-ифтихоримиз.

Мазкур қувват фақат тарих китобларида, музей жавонларида чанг босиб ётадиган мерос эмас. У бугунги кунимиз учун ҳам кудратли маънавий озиқ, битмас-туганмас илҳом манбаидир. Аждодларимизнинг ҳар бир кашфиёти, ҳар бир ҳикмати бугунги авлод қонида оқмоқда, унинг шуурига синдирилмоқда.

Заминнинг ўзи бир тош каби. Унга жон ато этувчи, уни ягона бир бутунга айлантирувчи илоҳий куч эса зиё. Ўтган аср бошида маърифатпарвар жадид боболаримиз миллатни уйғотмоқ учун ана шу зиёни машъала қилиб кўтарган эдилар. Бугун ўша машъала янгидан аланга олмоқда. Айни эътибор шунчаки шiorларда эмас, балки рақамлар тилида, амалий ҳаракатларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Бу уйғониш нафақат иқтисодий, шунингдек, аввало, маънавий-маърифий уйғониш эканини англаш сиёсати. Чунки энг катта инвестиция инсон капиталига, миллат келажига тикилган сармоя саналади.

Масалан, сўнгги саккиз йилда давлат газасининг энг катта қисми айнан келажак пойдевори бўлмиш таълим ва тиббиётга йўналтирилаётгани бунинг яққол исботидир. Биргина мисол: агар 2016 йилда



Замон — ўз ўқида бир маромда айланиб турувчи чархпалак эмас. У гоҳо шиддатли сел бўлиб оқади, гоҳо тўлғониб, гирдобга айланади. Ана шу гирдоблар қаъридан эса бутун бир миллатнинг, халқнинг тақдирини янги ўзанга буриб юборадиган кудратли тўлқинлар бошланади. Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз тўртинчи йилини қаршилар эканмиз, биз ана шундай тарихий тўлқиннинг нафақат шоҳиди, балки бевосита иштирокчиси, бунёдкори бўлаётганимизни ҳар лаҳза ҳис этиб турибмиз. Бунинг шунчаки ислохотлар ёки янгилианишлар даври деб бўлмайди. Моҳиятан олганда, у Учинчи Ренессанс дея ном олган улугвор иморатнинг пойдеворидан то гумбазигача бўлган бунёдкорлик палласидир.

юртимизда болаларининг атиги 27 фоизи мактабгача таълимдан баҳраманд бўлган бўлса, 2025 йилга келиб, бу кўрсаткич 76 фоизга етказилди. Ушбу рақамлар ортида нафақат юзлаб янги қурилган замонавий боғчалар, янги очилган хусусий ва оилавий таълим масканлари, энг муҳими, ҳар бир боланинг эртанги кунини учун мустаҳкам замин яратишга қаратилган сиёсий ирода мужассам.

Булар сонлар пойғаси эмас. Ҳар бир боланинг тафаккур уфқларини кенгайтириш, унинг туғма истеъдодини рўёбга чиқариш учун яратилаётган тенг имкониятлар майдони. Зеро, даҳо болалар туғилмайди, улар кашф этилади ва тарбияланади. Боғчада ёллаган илк шеърдан бошлаб уларнинг қалби Ватан туғиса, китобга меҳр сингдирилади.

Мактабгача таълимнинг илк бор умумий мажбурий таълимнинг бир қисми сифатида мустаҳкамлангани эса ушбу пойдеворнинг нақадар пухта ва узоқни кўзлаб қўйилаётганидан далолат беради. Мактабгача таълимдан бошлаб вужудга келаётган янги тизим, ҳар бир ҳудудда қад ростлаётган Президент ва ижод мактаблари, энг чекка қишлоқлардаги ўқитувчига бўлган эътиборнинг кучайиши — буларнинг бари иморатимизнинг пойдеворини зиё билан сўғориш, уни янада мустаҳкамлаш жараёни, десак адашмаймиз.

Булар шунчаки янги бинолар, янги номлар дегани эмас, таълимга бўлган фалсафанинг ўзгариши демекдир. Энди мактаб партасида фақат ёллаш учун ўтирган бола эмас, фикрлайдиган, савол берадиган, бахslashадагиван ва янги гоъларни ўртага ташлайдиган кашфиётчи авлод шаклланмоқда.

Тасаввур қилинг: юртимизнинг олис тоғли қишлоғидаги мактаб ўқувчиси халқаро олимпиадада нуфузли ўринни кўлга киритмоқда. Ёки оддий бир оиланинг фарзанди робототехника бўйича ўзининг илк лойиҳасини катта-катта инвесторлар қатнашаётган кўргазмада тақдимот қилмоқда. Булар энди орзу эмас, бугунги кун манзараси. Бунинг замирида эса бир буюк ҳақиқат ётибди: миллатнинг энг катта бойлиги — ер остидаги нефть ёки газ эмас, унинг тафаккури ёруғ, юраги Ватанга муҳаббат билан тўла

фарзандларидир. Ва бу бойликнинг ҳақиқий зарғари, унга сайқал берувчи моҳир меъмор — ЎҚИТУВЧИДИР.

Сўнгги йилларда муаллимнинг жамиятдаги обрўсини тиклаш, унинг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш борасида қилинаётган саъй-ҳаракатлар ҳам айни шу иморат пойдеворининг ҳар бир гиштини меҳр билан, ишонч билан қўйишга қаратилган амалий қадамлардан ҳисобланади. Албатта, бу йўл ҳали тўла текис эмас. Эскича тафаккур, қоғозбозлик, ўқитувчининг ортиқча юмушларга жалб қилиш каби иллатлар ҳали ҳам бор. Бироқ муз эриди, жараён бошланди. Ва ушбу йўлдаги энг катта ютуқ ўқитувчининг ўз қадрини ҳис қила бошлаганидир.

Шу билан бирга, олий таълимга қамровнинг 42 фоизга етиб, дунёнинг нуфузли университетлари рейтингларида Ўзбекистон олийгоҳлари сони йил сайин ортиб



бораётгани ҳам айни иморат пойдевори нақадар мустаҳкам ва пухта бўлишини кўрсатмоқда.

Олийгоҳлар энди диплом берадиган идора эмас, балки илм-фан ва ишлаб чиқаришни боғлайдиган инновацион марказларга айланаётди. Бунинг ортида болаларимизнинг қалб кўзини очиб, уларга шунчаки билим бериш эмас, балки тафаккур қилишни, яратилиш ва ўз тарихига дахлдорлик ҳисси билан яшашни ўргатиш мақсади ётибди. Зеро, ўз заманининг кудратини англаган ва зиё билан қуролланган авлодгина энг юксак чўққиларни забт эта олади.

Айни мустаҳкам замин ва маърифат пойдевори узра энди истиқбол деворларини тиклаш, салобатли устунларни қад ростлатиш фурсати етди. Бу деворлар бугунги кун илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, инновацион кашфиётлар ва ёш олимларимизнинг дадил изланишларидан бунёд этилмоқда. Улар шунчаки истак эмас, аниқ ва ҳисоб-китоби бунёдкорлик.

Ал-Хоразмий бобимиз яратган алгоритмлар бугун рақамли иқтисодиёт



Мустақиллигимизнинг ўттиз тўртинчи йилида биз қураётган иморатнинг қиёфаси тобора аниқроқ намён бўлаётди. Унинг пойдевори — аждодлар мероси ва бугунги маърифатдан, деворлари — илм-фан ютуқларидан, безаклари — ўлмас санъатдан ва гумбаз — дунёга очиқ тафаккурдан иборат. Мазкур иморат ҳали тўла битгани йўқ. Бунёдкорлик жараёни давом этмоқда. Ва бу улуг ишда барчамизнинг — ўқитувчининг, олимнинг, шифокорнинг, ҳунарманднинг, ҳар бир ёшнинг ўз ўрни, ўз қўядиган гишти бор.

шаклида янгича ҳаёт топмоқда. 2019 йилда пойдеворида илк гишт қўйилган AT Park бутунга келиб, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган, 1400 дан ортиқ илгор компанияларни ўз бағрига сиғдирган улкан технологик марказга айланди. Унинг “деворлари” ортида яратилаётган дастурий маҳсулотлар экспорти 2024 йилга келиб қарий 1 миллиард долларга етгани ўз мева-сини бера бошлаган илм ва эътибор даражасининг баракоти эмасми?!

Ушбу рақамлар шунчаки иқтисодий кўрсаткич эмас. Булар Ўзбекистоннинг жаҳон интеллектуал бозорида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаётганидан далолат. Бу ёшларимизнинг ақл-заковати энди фақат ўзимизга эмас, балки дунёга ҳам керак бўлаётганининг исботи. Ҳар бир ёшдан дастур коди, ҳар бир яратилган мобил илова иморатимиз деворига қўйилган мустаҳкам гишт вазифасини ўтаётгани ҳам айни ҳақиқат.

“One Million Uzbek Coders” каби лойиҳалар эса иморатнинг янги меъморларини — 2017 йилда санақли бўлган мутахассислар ўрнига бугун 100 мингдан ошган дастурчи, кибермутахассис ва инноватордан иборат кудратли авлодини тарбияламоқда. Бу авлод вакиллари бугун нафақат AT соҳасини, балки банкдан тортиб, қишлоқ хўжалигигача, тиббиётдан тортиб, солиқ тизимигача бўлган йигирмадан ортиқ соҳани рақамли “кон томилар” билан боғлаб, мамлакат иқтисодиётига янги руҳ бағишламоқда.

Эндиликда фермер ўз ҳосилини даладан туриб онлайн сотмоқда, шифокор олис қишлоқдаги беморга инновацион тезкор маслаҳат бermoқда, аҳоли эса давлат хизматларидан уйдан чиқмасдан фойдаланмоқда. Бу рақамлаштиришнинг одамлар ҳаётига кириб бориши, уларнинг оғирини енгил қилишга хизмат қилаётганининг ёрқин мисолидир.

Қачонлардир Мирзо Улугбек юлдузларни кузатган заминда, бугун унинг муносиб авлодлари сунъий интеллект сирларини ўрганмоқда, биотехнология соҳасида янгиликлар яратмоқда, “яшил энергетика”нинг энг самарали йўлларини изламоқда.

Юртимизнинг очик кенгликларидеда шамол турбиналари, Бухоро ва Навоийнинг қуёшли ҳудудларида эса улкан фотоэлектр

станциялари қад ростлаяпти. Бу шунчаки электр энергияси ишлаб чиқариш эмас, табиатга озор етказмасдан тараққиётга эришиш фалсафаси, келажак авлод олдидидаги масъулият ҳиссидир. Сувни тежайдиган ақлли технологиялар қишлоқ хўжалигига кириб келаётгани эса ҳаёт манбаи бўлган сувга эҳтиромнинг амалдаги ифодаси ҳисобланади.

Кун сайин сони ортиб бораётган илмий стартаплар, уларни янада кўпайтириш учун яратилаётган шароитлар илм-фаннинг ҳар бир гиштини эҳтиёткорлик билан териб, келажак деворларини пухта қуриш жараёни эмасми? Лабораториялар — бугунги замоннинг ўзига хос объекти, бу ерда назарий билимлар амалий кашфиётларга айланади, ёшларнинг интилишлари, натижалари эса Ватан тараққиётининг мустаҳкам устунлари бўлиб бораверади. Илм борган сари шунчаки китобий тушунча ёки тор доирадаги мутахассислар шугуullanадиган машгулот эмас, балки иқтисодиётимизнинг ҳаракатлантирувчи кучига, жамиятимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланмоқда.

Ҳар қандай бино, гарчи деворлари мустаҳкам, устунлари бақувват бўлмасин, ўзининг бетакдор безаклари, жилавор нақшлари бўлмаса, руҳсиз тош уюмидан фарқ қилмайди. Бинога жон ато этадиган, унинг қимлигини, қайси элга мансублигини кўрсатадиган нарсас унинг безакларидир. Бизнинг маънавий иморатимиз безаклари — халқимизнинг минг йилликлар давомида яратган ўлмас маданияти ва санъати дурдоналаридир. Шашмақомнинг юракка ором берувчи навалари, бахшилар дostonи, дағи мардлик ва эзгулик тараннуми, қулонинг қўлида ҳаёт топган мовий нақшлар, шохсиззанага битилган тақдирлар фалсафаси — буларнинг бари шунчаки санъат намуналари эмас, миллат руҳининг ранглари, қалбнинг ифодаси.

Бу ранглар ўчмаслиги, наволар сўнамслиги учун ҳам улкан ишлар амалга оширилаётди. Усталардан шоғирларга ўтиб келаётган ҳунармандчилик анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун алоҳида дастурлар ишламоқда. Ҳар бир вилоятда ўзига хос маданий марказлар, этнохўудлар барпо этилмоқда. Бугунги аксарият ёшлар энди атласни “бувимнинг

кийими” деб эмас, балки дунё подиумларини забт этаётган миллий бренд сифатида фахр билан кияётгани қай биримизни қувонтирмайди?

Сўнгги йилларда бу бебаҳо хазинани дунёга кўз-кўз қилиш борасида катта-катта ишлар амалга оширилаётгани қувончли. Маданий меросимиз намуналарининг ЮНЕСКО томонидан эътироф этилиши, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қўқон каби шаҳарларимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар дунё аҳлининг диққат марказида бўлаётгани — иморатимизнинг таъқи деворларига ўлмас руҳ нақшларини тоқат билан чизаётганимиз белгиси саналгай.

Ушбу нақшлар фақат ташқаридан кўриш учун эмас. Улар ҳам иморат ичидидаги муҳитни, ҳам инсонлар қалбини нурафшон қилади. Янги қурилаётган, таъмирланаётган маданият масканлари, кино ва концерт саройлари, музейлар ва кутубхоналар халқимизнинг маънавий ҳордиқ чиқариши, эстетик дидини юксалтириши учун замин яратади. Эътибор беринг, санъат энди фақат пойтахтнинг мулки эмас, у энг олис туманларга, қишлоқларга кириб бermoқда.

Бу нақшлар орқали дунё бизни, бизнинг қимлигимизни, қандай буюк маданият ворислари эканимизни танийди ва тан олади. Ҳар бир сайёҳнинг қадимий обидаларимиз олдида ҳайратга тушиши, ҳар бир хорижий санъатшуноснинг маданиятимиз олдида тан бериши бизга нисбатан ҳаққоний баҳо саналади.

Нихоят пойдевори мустаҳкам, деворлари салобатли, нақшлари бетакдор иморат ўзининг энг юксак, энг кўркам қисми — гумбазига эҳтиёж сезади. Гумбаз — пойдевор, деворлар ва нақшларни ўзида бирлаштириб, уларга ажуний маъно ва мукамаллик бахш этадиган меъморий унсур. Бизнинг Учинчи Ренессанс иморатимизнинг гумбазини дунёга очиқ тафаккуримиз, жаҳон цивилизацияси билан ҳамнафаслик, глобал илм-фан ва маданият ютуқларига дадил интилишимиз рамзидир.

Бу гумбаз очиқ ва прагматик ташқи сиёсатимиз тизмисидир. Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳоннинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш мазкур гумбаз қирраларини ташкил этади. Ўзбекистон энди бир четда кузатиб турадиган диёр эмас, балки глобал жараёнларнинг фаол иштирокчисига, минтақавий барқарорликнинг муҳим таянчига айланиб бораётган муҳим мамлакатдир. Дарҳақиқат, қўшни давлатлар билан чегараларининг очилиш нафақат савдо-сотикчи, балки минглаб оилалар дийдорини, йиллар давомида узилган жигарчилик алоқаларини қайта боғлайди.

Бу гумбаз остида энди бизнинг ёшларимиз дунёнинг энг нуфузли университетларида таълим олиб, ватанга янги билимлар билан қайтмоқда. Олимларимиз халқаро илмий ҳамжамиятларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида глобал муаммолар ечинмига ўз тақлифларини билдирмоқда. Бу гумбаз остида тор миллий қобқоқча ўралаиб қолиш эмас, аксинча, миллий ўзликни сақлаган ҳолда умумбашарий қадриятлардан баҳраманд бўлиш фалсафаси ётади. Айни гумбаз бизни дунёдан тўсмайди, аксинча, дунё билан боғлайди. Унинг мовий ранги осмон билан, тинчлик билан туташи. Унинг остидан туриб биз нафақат ўз ўтмишимизни, балки бутун инсониятнинг ёруғ келажакни ҳам кўра оламиз.

Шундай қилиб, Мустақиллигимизнинг ўттиз тўртинчи йилида биз қураётган иморатнинг қиёфаси тобора аниқроқ намён бўлаётди. Унинг пойдевори — аждодлар мероси ва бугунги маърифатдан, деворлари — илм-фан ютуқларидан, безаклари — ўлмас санъатдан ва гумбаз — дунёга очиқ тафаккурдан иборат. Мазкур иморат ҳали тўла битгани йўқ. Бунёдкорлик жараёни давом этмоқда. Ва бу улуг ишда барчамизнинг — ўқитувчининг, олимнинг, шифокорнинг, ҳунарманднинг, ҳар бир ёшнинг ўз ўрни, ўз қўядиган гишти бор.

Даладаги деҳқоннинг пешона тери билан етиштирилган ҳар бир бошок дон бу иморатнинг ризқрўзи. Шифокорнинг беморга ато этган шифоси иморат аҳлининг саломатлиги ва қуввати. Тадбиркорнинг яратган ҳар бир иш ўрни — иқтисодий пойдеворнинг мустаҳкамлиги. Ҳарбийларнинг хушёрлиги — тинчлик ва осудлик. Оналарнинг ўз фарзандига бераётган одоб-ахлоқи — маънавий бақувватлик қафолатидир.

Зеро, биз келажак авлодларга нафақат обод ва фаровон юртни, балки мана шундай гўзал ва салобатли, дунё аҳли ҳавас қиладиган буюк маънавият ва тафаккур иморатини мерос қолдиришдек муқаддас бир бурч олдида турибмиз. Шубҳасиз, биз бу вазифани шараф билан адо этажамиз.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРИН ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОБИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилимайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-846.
34930 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳас: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй